

Шуҳрат Сирожиддинов

Адабий манбашунослик ва матншунослик

Тошкент-2018

КИРИШ. Адабий манбашунослик ва матншунослик фанининг предмети ва вазифалари

Ўзбек халқининг кўпминг йиллик тарихи, бой илмий-маънавий мероси, адабиёт ва санъати ҳақидаги қимматли маълумотлар қўлёзма манбаларда акс этган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг илмий-тарихий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди. 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташабbusи билан ташкил этилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизацияси ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция мамлакатимизда Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимизда қадр-қиммати билан адабиётга дахлдор илмий, маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, кенг миқёсда ўрганиш халқимизга етказиш соҳасида олиб борилган оламшумул ишларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Халқаро конференциянинг очилиш маросимида давлат раҳбари томонидан сўзланган нутқда Шарқ қўлёзмаларида сақланаётган улкан меросни ўрганиш ва оммалаштириш, ёшларга етказиш ҳақидаги даъват, шу йўналишда юртимиз ва хориждаги тегишли етакчи университетлар, илмий тадқиқот марказлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги қилинган даъват бутун курраи заминдан йиғилган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Нутқда эътибор қаратилган кўпгина жиҳатлар мамлакатимизда манбашунослик ва матншунослик соҳасида тўпланган бой тажрибани бир тизимга келтиришни маҳаллий олимлар зиммасига муҳим вазифа қилиб юклади. Маълумки, ўтган асрда халқимиз тарихига оид ёзма манбаларни излаб топиш, тўплаш, илмий муомалага олиб кириш бўйича салмоқли ишлар

амалга оширилди. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд давлат кутубхоналарида тўпланган юзлаб қўлёзма манбалар Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил этилгач, унинг қўлёзмалар фондига бирлаштирилди. Узоқ йиллар давомида институт ходимлари томонидан олиб борилган археографик экспедициялар натижасида жаҳонда ўзининг ҳажми ва салмоғи билан етакчи ўринга чиққан бебаҳо қўлёзмалар хазинаси яратилди. Кейинчалик Ҳамид Сулаймон томонидан Англия, Франция ва Ҳиндистонга уюштирилган археографик экспедиция натижасида халқимизнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг асарлари микрофильм ва фотонусхалари келтирилиб, адабий меросимиз қимматли маълумотлар билан бойитилди. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Қўлёзмалар институти ташкил этилиб, адабий меросимизни ҳар томонлама тадқиқ этиш ишлари бошланиб кетди. Бу қўлёзма манбаларни илмий истеъмолга киритиш йиллари Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Қўлёзмалар институтида фаолият кўрсатаётган ўзбек манбашуносарининг забардаст вакиллари атрофида илмий мактаблар шаклланди. Тарихий манбашунослик соҳаси жадал ривожланиб, оламшумул ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, тарихий, аниқ фанлар, география, космография, биографик, агиографик асарлар, расмий хужжатлар устида юзлаб илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ёзма манбаларни тавсифлаш, илмий истеъмолга киритиш бўйича бир неча авлод вакиллари фидокорона меҳнат қилдилар ва минглаб манбаларнинг каталогглаштириш ишини олиб бордилар. Аммо шуни ҳам тан олиш лозимки, юртимизда ўтган асрнинг бошларидан давом этиб келаётган Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш ишлари мустабид коммунистик тузум белгилаб қўйган чегара ва доирадан чиқа олмади. Натижада матнларни чуқур ўрганиш ишлари орқа планга сурилиб қолди. Тарихий асарлар матни замиридаги давр мафкураси руҳи хаспўшлаб ўтилди. Тадқиқотчининг ёндашувида тузум тазиикى яққол сезилиб турди. Ана шу кўринмас тазиик олимларни кўпроқ манба-қўлёзма тавсифи ва баёни билан чекланишга, матн

тубига киришдан онгли равища қочишга олиб келди. Шундан Ўзбекистонда манбашунослик сезиларли ривожланса-да, матншунослик фақат номигагина мавжуд бўлиб келди.

Филология соҳаси бўлган матншуносликни тарихчи олимларнинг асосий фаолият соҳаси бўлган манбашунослик билан бирлаштиришга бўлган уринишлар, мамлакатимизда “адабий манбашунослик” атамасининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳолбуки, бу матншуносликнинг таркибий қисми бўлган “матн тарихи” билан боғлиқ тадқиқотлар қисминигина ташкил этувчи бўлим эди. Матншуносликнинг асосий ва салмоқли қисми бўлган “матн талқини” коммунистик тузум зўравонлигидан ҳуркиб, Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш ишларига татбиқ этилмади. У фақат замонавий адабий матнлар таҳлили билан шуғулланувчи тилшунос олимларнинг мулкига айланиб қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг шарқ қўлёзмаларини ўрганиш, халқимиз мулки бўлган турли қўлёзма манбаларни топиш, тадқиқ қилиш ва нашр этиш ишларининг кескин жонланиши, айниқса, миллий уйғониш, миллий ифтихор ва ғурур мафкураси асосида ўтмиш ижодкорларимиз асарларини ўрганиш матншунослик соҳасининг жиллий ривожланишига туртки берди. Юзлаб қўлёзма манбалар ҳозирги ўзбек имлосига транслитерация қилиниб чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти, мамлакатимиз кутубхоналари ва маърифатли фуқароларимизнинг қўлларида сақланаётган бебаҳо қўлёзма манбалар олимлар кўмагида нашр этилиб, халқимизга тақдим этилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида биз илгари номлари бутқул номаълум бўлган ёки мустабид шўро тузуми мафкураси ўрганишни ман этган юзлаб мутафаккирларимиз, диний арбобларимиз ва адибларимизнинг илмий-ижодий меросидан баҳраманд бўла бошладик. Айниқса, бадиий асарлар матнини ўрганиш, чоп этиш ишларида сезиларли кўтарилиш бўлди. Илгари кам ўрганилган кўплаб шоирларимизнинг асарлари тўлиқ тикланиб,

мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда фақат шарқшунос олимлар эмас, балки араб имлосидан хабардор барча адабиёт ихлосмандарининг ҳисса қўшгани мамлакатимизда қўлёзма манбаларни тўплаш, ўрганиш ва чоп этиш ишларининг қескин кўтарилишига хизмат қилди. Бироқ, шу билан бирга республикамизда бадиий асарлар матни тарихини ўрганиш соҳасида узок йиллар давомида йигилган тажрибанинг оммалаштирилмагани, матншуносликнинг тадқиқот усулларидан бехабарлик оқибатида нашр юзини кўрган манбаларнинг илмий-бадиий аҳамияти ва ёзма ёдгорлик сифатидаги қимматини тўлиқ кўрсатишга ожизлик қилди. Матншунослик соҳасининг вазифалари, таснифи, нашр типлари ва принципларининг системалаштирилмаганлиги матн тарихи тадқиқига қўл ураётган адабиётшуносларимизга манбаларни илмий истеъмолга киритиш ишларида муайян қийинчиликлар туғдирди. Натижада адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида муайян оқсоқликлар пайдо бўлди. Айни вақтда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни давр талабига айлантирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 24 майда имзоланган “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданиятимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш, қўлёзмалар билан ишлаш малакасига эга бўлган ёш мутахассисларни режа асосида мақсадли тайёрлаш учун катта имконият эшикларини очди.

Мазкур Президент Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши ўқув

режасидаги матншунослик фани дастури қайта кўриб чиқилди ва тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Манба ва матн. Манбашунослик ва матншуносликда матн маъноси кенг қамровли тушунча. Матн деганда, муаллиф ижод этмоқчи бўлган фикр ва гоянинг ёзувдаги инъикоси тушунилади. Матн деганда яхлит бир асар, қўлёзма нусха ҳам англашилади. Қадимий матнлар тадқиқи билан матншунослар (манбашунослар) шугулланадилар. Уларнинг вазифаларига адабиётшунослик ва тилшуносликка хос бўлган, тарихчиларнинг манбашунослик ва историография соҳаларида барча тадқиқ усулларини қўллаш киради. Матншунослик қўлёзма нусханинг матн хусусиятларидан тортиб нашр кўринишидаги барча ютуқ ва камчиликлари ҳақида тасаввур уйғотувчи тадқиқотни амалга оширади. Матн тақдири, сақланиш даражаси, нашр безаклари ва тавсифий белгиларини ўрганиш матн тушунчасининг классик таърифига сифмаса-да, матншуносликда қабул қилинган матн тушунчаси, уни ўрганиш доирасига киради.

Хозирги замон филологиясида матн устида ишлаш масалаларида кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона қоида йўқ. Манбашунослар **матн тарихи, тадқиқи ва тавсифи** устида кўпроқ бош қотирсалар, матншунослар уларга қўшимча равишда **матн талқини тадқиқига** алоҳида эътибор қаратадилар. Шунинг учун ҳам манбашунослик тарихий ва табиий фанлар соҳасига, матншунослар асосан филология соҳасига тегишлилиги билан фарқланиб туради. Ўз навбатида матнларни бадиий ва лингвистик тадқиқ этиш масаларида ҳам матншунослар ўртасида бир тўхтамга келинмаган. Бу матн интерпретацияси устида ишлаётган олимнинг қайси фан соҳасида иш олиб боришига боғлиқ.

Талқин тадқиқи бадиий асарнинг ёзма ёдгорлик сифатидаги қимматини баҳолаш, давр рухи, муаллиф ёндашуви (объективлик ва субъективлик), бадиий асар матни ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлишида объектив асос бўлиб хизмат қиласи. Зотан, матншунослик бадиий асарнинг матн замиридаги яширин маъноларини, ботиний жиҳатларини очиб бериш,

унинг яратилиш тарихи, матн ўзгаришига олиб келган ҳолатларни аниқлашва муаллиф варианти сақланиб қолмаган тақдирда, асарнинг дастлабки кўринишига яқин матнни тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу жиҳатдан матншуносликни қўйидаги З таркибий қисмга бўлиш мумкин:

- 1.Матн тарихини ўрганиш.
- 2.Матн талқинин тадқиқ этиш.
- 3.Матн тузиш.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, матн бир қанча ёрдамчи соҳалар – эдиция, археография, герменевтика, экзегетика кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳам тадқиқ этилади. Масалан, эдиция – ҳужжатли ва мумтоз матнларнинг илмий нашрини амалга оширишdir. Археография ёзма манбаларни қидириб топиш, бирламчи ишлов бериш, илмий муомалага киритишни назарда тутади. Кутубхона, турли фондлардаги қўлёзмаларнинг туркумлаштирилган тавсифи, археографик қиёсий таҳлили манба матнини тузишда муҳим ҳисобланади. Бундай ишлар натижалари матн устида ишлашнинг равон боришини таъминлайди. Герменевтика қадимги ёзма матнлар мазмунини изоҳлаш билан шуғулланади, матншунослик учун асарнинг ўтмишда тутган ўрни, асар умумий мазмуни каби маълумотларни беради. Экзегетика эса диний матнларни филологик жиҳатдан таҳлил этишда матншунослик ишлари билан бевосита боғланади.

Матншунослик қўлёзма нусханинг матн хусусиятларидан тортиб нашр кўринишидаги барча ютуқ ва камчиликлари ҳақида тасаввур уйғотувчи тадқиқотни амалга оширади. Матн тақдир, сақланиш даражаси, нашр безаклари ва тавсифий белгиларини ўрганиш матн тушунчасининг классик таърифига сифмаса-да, матншуносликда қабул қилинган матн тушунчаси, уни ўрганиш доирасига киради. Матншуносликнинг асосий услубий принципи матн тарихини комплекс равишда ўрганишdir. У матн тақдирини ёритади ва матндаги ўзгариш хусусиятлари, сабаблари ва босқичларини ойдинлаштиради. Матншуносликнинг тадқиқ усувлари бир қанча бўлиб,

умумэътироф этилган қоидаларга матний тафовутларни таҳлил қилиш, кўчиришдаги хатоликларни таҳлил этиш, муаллиф матни хатоликларини аниқлаш, матнни онгли равишда ўзгартириш ҳолларини аниқлаш, қўлёзма тавсифини амалга ошириш, конъектура йўли билан матнни тиклаш, қўшимчалар ва тушириб қолдиришларни аниқлаш, глосс ва интерполяциялар таҳлили, қўлёзма нусхалар ўртасидаги фарқлар таҳлили, нусхалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш, матнларни классификация қилиш, текстологик белгиларни аниқлаш, матнларни тиклаш (реконструкция), матнларни саналаштириш, матннинг яратилиш жойини аниқлаш, атрибуция ва атетеза ва асосий матн тузиш усуллари киради.

2. Ўзбек матншунослиги шаклланишининг тарихий илдизлари

Матншуносликнинг тарихий илдизлари энг қадимги давр ёзма ёдгорликлари матнини ўрганишга бориб тақалади.

Инсоният тарихида ихтиро қилинган ҳар бир кашфиёт, аввало, ижтимоий ҳаёт таъсирида юзага келади ва кўпасрлик анъаналар доирасида шаклланиб боради. Ёзма ёдгорликлар матни бевосита ёзув тарихи билан боғланади. Маълумки, дастлаб пиктографик ёзув кашф қилинган. Бу ёзувда чизилган шакллар асосида одамлар мантиқий фикр юритиб, гап тузган. Пиктографик ёзув тараққиёти асосида логографик ёзув пайдо бўлди. Пиктограмма тўғридан-тўғри предметни расм орқали кўрсатса, логограмма сўзнинг маъносини тушунча орқали ифодалайди. Бунда тилдаги ҳар бир сўз ўз рамзий тимсолига эга бўлди. Иероглифик ёзув логографик ёзувнинг ривожланган, мукаммал кўринишидир. Пиктографик, логографик ва иероглифик ёзувлар тараққиёти натижасида фонографик ёзув пайдо бўлди. Сўз товуш орқали идрок этилиб, ҳар бир эшитилаётган товушга алоҳида белги (ҳарф) қабул қилиш истаги фонографик ёзувни юзага келтирди.

Милоддан аввалги VI–IV асрлардаёқ Туронзамииннинг турли ўлка маҳаллий тиллари товуш системасига мустақил ҳолда мослашган. Хоразмий, суғдий, паҳлавий, бохтарий каби ёзувлар шаклланганлиги ёзма маданиятимиз илдизлари нақадар узоқ даврларга бориб тақалишидан далолат беради. Мана шу ёзувлар ичида суғд ёзуви ёдгорликлари кенг миқёсда ва узоқ вақт истеъмолда бўлганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қоғозга битилган ва бизгача етиб келган суғдча матнларнинг энг қадимиёси IV аср бошларига мансуб бўлиб, фанда “Эски мактублар” деб ном олгандир. Бу мактублар 1906 иили инглиз олими А.Стейн бошчилигидаги экспедиция томонидан Шарқий

Туркистонда топилган. Суғд ёзма ёдгорликларининг яна бири Талас водийсидаги қоятошлар сиртига битилган ташрифномалардир. Бу ёзув оромий ёзуви асосида пайдо бўлганлиги боис оромий ёзувига ўхшайди. II асрнинг охири–III асрнинг бошларида хоразм ёзуви хўжалик ҳисбот ҳужжатлари, тангалар, қабрларга ўрнатилган ҳайкаллар ва бошқа жойларда учрайди¹.

Ўзбек (туркий) матншунослиги тарихи хусусида сўз очар эканмиз, унинг ибтидоси сифатида қадимги манбалар матни билан боғлиқ ҳолда олиб борилган ишлар ҳақида гапириш ўринлидир.

Милоддан кейинги даврда, аниқроғи, қадимги туркий тилнинг ilk ёзма намуналари пайдо бўлган даврлардаги матн яратиш ишларида биз ягона шахс (хоқон ёки саркарда) фаолияти билан алоқадорликни кузатамиз. Жумладан, Ўрхун–Энасой тошбитикларидаги маълумотлардан шу аён бўладики, унда хоқон ёки саркарда томонидан тошга битилган эсадаликлар ўша давр жамиятида рўй берган воқеаларни акс эттирган. Бу худди милоддан аввалги Эрон подшоҳларидан Доронинг Бехистун қоясига ўйиб ёздирган эсадаликларини эслатади. Демак, давлат арбоблари учун бу ҳолат қайсиdir маънода анъана тусига кириб қолган удум бўлган.

Адиб ва тарихчи Йўллуғ тигин бевосита туркий матншуносларнинг биринчиси ҳам ҳисобланади. У матнни тиклаш, яъни реконструкция қилиш билан бирга, керакли жойларини қайта таҳрир ҳам этган. Албатта, матншунослик тарихи ўрганилишида бундай амалий жараёнларни таҳлил қилиш масаласи, сўзсиз, битиглар матни билан айнан иш олиб боришни тақозо этади. Шунинг учун мавжуд маълумотлар асосида шундай хulosага келамиз: матний тадқиқларнинг бу даврдаги *асосий хусусияти* – матн мазмuni ва шаклига бўлган муносабатнинг пайдо бўлишидир. Йўллуғ тигин матннинг мазмун ва тузилиш жиҳатидан яхлитлиги ҳамда уларнинг ўзаро муносабатга киришувини таъминлашга ҳаракат қилган. У матнни таҳрир этишда ягона мавзу, ғоя ифодаси йўлида изчил қаторни тузиб чиққан. Йўллуғ

¹Қаранг: Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т.: Фан, 1982.

тигин Кул тигин битигидан олган парчани Билга хоқон битиги матнига киритишда мантиқий ва гносеологик боғланишни эътиборга олган. Турк хоқонлиги даврида ёзилган мазкур ёдгорликлар хусусида тадқиқотлар олиб борган олимлар – Қ.Содиқов ва Қ.Омонов шундай ёзишади: “Кўк турк битиглари ўтганлар хотирасига тикланган ёдгорликлар бўлишига қарамай, уларда матн тузишнинг аниқ принциплари ишлаб чиқилган эди. Қизиқ бир ходиса: адид ва тарихчи Йўллуғ тигин 732 йили, отасининг топшириғига кўра, амакиси Кул тигин хотирасига атаб битиг ёзган. Орадан кўп ўтмай, 735 йили ўз отаси Билга хоқон хотирасига атаб ўрнатилган битигни ёзишда ҳам худди ўша йўлни тутган: ҳатто биринчи битигдаги матннинг катта бир бўлагини олиб, уни таҳрир қилиб, иккинчи битигга ҳам киритган. Йўллуғ тигиннинг матншуносликдаги ютуқларидан бири шунда эдики, у тарихий матн тузиш принципларини ишлаб чиқди”².

Гарчи бу ёдгорликлар кўпроқ тарихий манбашунослик обьекти бўлса-да, унинг тилини ўрганиш, ўша давр жамиятининг аҳволини бадиий нуқтаи назардан ёритувчи ўринлари бўлгани боис улар филологик матншунослик жиҳатидан ҳам тадқиқ этилган. Бу соҳада академик олим Алибек Рустамов ва Насимхон Раҳмоновнинг ҳиссалари катта. Профессор Н.Раҳмонов туркий ёзувлар характери ҳақида гапирап экан, шуларни қайд этади: “Ўрхун ёзувларининг ҳам, Енисей ёзувларининг ҳам, Талас ёзувларининг ҳам орфографияси анча мураккаб. Ана шундай мураккаб системадаги орфографияда ижод қилиш ҳар бир ижодкордан, шубҳасиз, катта тайёргарлик, ақл-заковат талаб қиласиз эди”³. Бундан ташқари, олимнинг бошқа асарларида ҳам бу ҳақда мулоҳазалар юритилган.

Ўрхун – Энасой ёзувларининг яна бир эътиборли томони – матн тузувчи ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлигидир. Тилшунос И.Йўлдошевнинг “Ўзбек китобатчилик терминологияси” асарида келтирилишича, Култигин битиктошидаги матнда қўлланган “байдиз” ва “байдизчи” сўzlари наққошлиқ,

² Содиқов Қ., Омонов Қ. Илмий-танқидий матн яратиш – замон талаби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010, 20 авг.

³ Раҳмонов Н. Битиглар оламида. – Т. : Фан, 1990. – Б.35.

ўймакорликка оид маъноларни англатиш билан бирга хоқонлар нутқини тошга битувчи – “котиб” маъносини ҳам ифодалайди⁴.

Ўрхун–Энасой ёзуви билан бирга уйғур алифбосидан ҳам фойдаланилган ва бу ёзув туркий халқлар орасида XVI асрغا анча кенг ишлатилган. Қадимдан котиблар юксак масъулиятли вазифани бажарувчи кишилар ҳисобланган. Ҳатто қадимги манбаларда ҳам улар улуғланган. “Уйғур ёзувли манбаларда котиблар bitigci, iñümä (alimya), baxsï, ka:tib деб аталган”⁵.

Матншунослик ишлари шаклланиши билан боғлиқ яна бир ҳодиса китоб тузиш ишларининг жорий этилиши бўлди. Қ.Содиқовнинг ёзишича, “турк буддавийлари орасида анча кенг тарқалган китоб тури потхидир. Бундай усул билан китоб тайёрлаш учун, даставвал, китобга мўлжалланаётган варақлар ўртасига бир ўлчамда доирачалар чизиб чиқилган. Матнни ёзаётган пайтда эса сатр доирага келиб туташганда тўхтатилиб, доирачанинг иккинчи ёғидан давом эттирилаверган. Шундай қилиб, доирача ичи бўш қолган. Қўлёзма тўлиқ қўлдан чиққач, ҳалиги доирачалар ўртасидан тешиб чиқилган. Варақларни дасталаб туриб, уларнинг тешигидан ипга тизилган. Сўнгра қоғоз бичимига teng икки пайраха олиб, тахлоғлиқ қоғознинг икки ёғидан қопланган ва тизимчasi маҳкамлаб қўйилган. Ўз навбатида, пайрахалар муқова вазифасини ўтаган ҳамда китобни яхши сақлаш имконини берган. Китобни ўқиши зарур бўлган тақдирда тизимчasi бўшатилиб, фойдаланиб бўлгач, яна жойлаб қўйилаверган”⁶. Потхи усулида китоб тартиб беришни қадимги хиндлар кашф этган бўлиб, туркларга Тибетдан ўтганлиги қайд этилади.

Китоб босишининг ilk намуналари қадимги Хитой тарихидан ҳам ўрин олган. “Милодий 868 йили Хитой устаси Ван Цзе китоб босиши учун ёғоч

⁴ Қаранг: Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси. – Т. : Фан, 2004. – Б.9–10.

⁵ Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т. :Ёзувчи, 2000. – Б.131.

⁶ Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. – Б.126.

гравюрадан фойдаланган. Китоб босишининг бундай усули ксилография деб аталган, унда китоб босиш технологияси жуда оддий, лекин машаққатли бўлган”⁷.

Ўзбек (туркий) матншунослиги шаклланишининг тарихий илдизларини ёритишида туркийтили халқлар орасида эътиборга молик бўлган ёзма ёдгорликлардан бири “Олтин ёруғ” муҳим ўрин тутади. “Олтин ёруғ”нинг асл матни тахминан милодий I асрда яратилган бўлиб, асар X–XVIII асрлар давомида ўн марта кўчирилган ва Шарқдаги кўп тилларга таржима қилинган⁸. Н.Раҳмонов X асрда Бешбалиқ (Шарқий Туркистон) шахрида яшаган Сенги Сели Туғунг “Олтин ёруғ”ни хитой тилидан уйғур тилига таржима этиш давомида йиғма матнини ҳам тузиб чиққанлигини таъкидлайди. У хитой тилидаги матнга кирмай қолган ўринларни бошқа тиллардан таржима қилиб асарга киритганлигининг ўзи туркий матншуносликда матн тузиш принциплари қадимдан шаклланиб келганлигини англатади.

⁷ Мирзораҳимов А.Ш. Ўрта Осиёда тошбосма китоб тарихи: Тарих фанлари номзоди...дис. – Т., 2009.–Б.22–23.

⁸Қаранг: Олтин ёруғ.1-китоб. Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркий тилдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Раҳмон. – Т.: Фан, 2009. – Б.3–5.

З-мавзу. Ислом ва ёзув (Араб ёзуви ва мусулмон китобатчилиги анъаналари, қўлёзма матнлар, ва уларнинг умумий белгилари, хат турлари) .

Матншуносликнинг қатъий принциплари Туронзамин ерларига ислом дини ва араб ёзуви билан бирга кириб келди. Ислом маданиятида китобат санъати алоҳида эътиборга лойиқ лойиқ сифатида қаралиб, матн тузишнинг ўзига хос қатъий структураси ишлаб чиқилган эди. Басмала, ҳамд, наът, бағищлов каби асар кириш қисмига тааллукли қоидалар пайдо бўлди. Таммат ёки хатмул-китоб, сана ва котиб исми зикр этилиши лозим бўлган колофон матншуносликда қўлёзма нусха котибининг муаллифлик хуқукини кафолатлаш механизми принципига айланди.

Ўрта Осиёда ҳадис илмининг ривожи, машхур муҳаддисларимизнинг ҳадисларни санадларига кўра сахих, носахих, ҳасан, қудсий каби турларга ажратиб чиқишилари, муфассирларнинг эса Қуръони Каримни тафсирлаш, шарҳлаш, фиқҳий масалалар билан боғлиқ ижмоъ, ақойид илмларнинг кенг ёйилиши манбашуносликда ва матншуносликда муайян анъаналар пайдо бўлишига замин яратди. Ҳадис тўпламлари, фиқҳий мажмуалар, диний нақл ва ривоятлардан хрестоматиялар тузиш ва уларни кўчириш мактаблари шаклланди. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний илмий мероси кенг ўрганилиб, уларнинг асарлари матнлари устида турли тажрибалар олиб борилган. Жумладан, уларнинг асарлари тўлиқ ҳолда ёки жузвларга бўлинган ҳолда кўчирилган. Кўпинча муайян боблар алоҳида матн сифатида шакллантирилиб, мажмуалар таркибига киритилган. Айрим ҳолатларда асарлар қисқартириб кўчирилган.

Алломаларнинг асарларига кўплаб шарҳлар ёзилиши билан қўлёзма нусхалар матни структурасида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Бир қўлёзма жилдда икки асар – бирини асосий жадвалда, иккинчисини ҳошияда жойлаштириш принциплари шаклланди. Муайян асарларни шарҳлари билан бирга кўчириш анъанага айланди. Матн турларининг кўпайиши бир асарнинг турли шаклларда кўчирилишига ва турли номлар билан машхур бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Матншуносликнинг тарихий тараққиётини кузатиш бу даврларда йиғма матнлар, жувз-бўлаклар ҳолидаги алоҳида матнлар, шарҳ-матнлар анча кенг тарқалганини кўрсатди. Албатта, бу жараёнлар ўзбек матншунослигида муайян принципларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Туркий тил грамматикасини ишлаб чиққан биринчи тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий “Девону луготит турк” қомусий асарини яратища энг қадимги манбаларни тўплади, матнларни ўрганди ва уларни тавсифлаш орқали ўз асарига киритди. Асарда жамланган халқ оғзаки ижоди намуналарининг кўпи асар ёзилган даврдан беш–олти аср қадими йроқдир. Масалан, Алп Эр Тўнга марсияси, “Олтин қон” ривояти, айрим шахс ва жойлар билан боғлиқ афсоналар шулар жумласидандир.

Шу даврларда яшаб, ижод этган кўплаб мутафаккир адиларимиз матн тузиш ишлари қанчалик муҳим эканлигига эътибор қаратганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, қомусий олимлар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий фаолиятида буни кўриш мумкин. Форобий “Хаттотлик ҳақида китоб” (“Китоб фи санъат ат-китобат”) асарида айнан ёзув турлари ва хаттотлик маҳорати масалаларига аҳамият қаратди.

XI асрнинг машхур мутафаккир шоирларидан Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асарида битигчи, яъни котиб тўғрисида мулоҳаза қилиб, унинг жамиятдаги мавқеидан шундай баҳс юритади:

Котиб билимли, заковатли бўлиши керак,

*Хати чиройли, сўзга уста, эзгу фол бўлиши керак.
Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади,
Боқса ўқигиси келади, кўнгил қувонади.
Агар фасоҳат билан (хуши) хат тенглашса,
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади.
Иланинг сирга яқини нима дейди, эшиитгин:
Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир.
Барча эзгу сўзлар ёзувда бўлади,
Ёзилган бўлганлиги учун сўз унумтилмайди, (абадий) қолади⁹.*

Шу билан бирга, Юсуф Хос Ҳожиб ҳамма эл ишини хат изга солиши, ёзув туфайли барча даромадлар қўлга киритилиши, давлат бошқарилиши ҳам қалам билан бўлишини таъкидлайди. Шоир котиб тилни, ёзувни бузса, хўжасининг бошини ейди ёки бошини олгудек бўлади, деб айтиш орқали котибнинг масъулияти қанчалик катта эканлигини кўрсатади. Юсуф Хос Ҳожиб бундай фикрларини қуидагича баён этади:

*Котиб ичимлик ичса, билимдан янгилишади,
Билимдан янгилишган ёзувда хато қиласди.
Котиб кечаси ҳам кундузи элда (бўлиши) керак,
Қачон талаబ қилинса, ўша пайтда (бўлиши) керак.
Бу икки кишини одамлар орасидан танлаб ол,
Сўнг уларга бу икки ишини бергин.
Бири – хати аниқ котиб,
Бири – тили мавзун элчи.
Яқин-ёвуқда ёки ёт, бегона (эллар) орасида,
Адоват содир бўладиган бўлса, булардан кўргин.
Иш орқага кетса, шу икки киши туфайли кетади,
Ишга ривож берса, шу икки киши беради.*

⁹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т. : Фан, 1971. – Б.431– 433.

*Бири – ёзувда сўздан янглишганда,
Бири – тили билан (шу) сўзни тузатса.
Котиб бу янглиг (бўлиши) керак, эй элиг,
Унга ишонса, қўл берса[яъни иш топширса] бўлади¹⁰.*

Шоирнинг мулоҳазаси, бир томондан, котиб хулқ-автори унинг хатида ҳам намоён бўлишини таъкидлаши билан диққатга сазовор бўлса, иккинчи томондан, хат матни аниқ ва равshan ёзилмаса, сўзни англашда янглишлик пайдо бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлишига ҳам ишорадир.

1. Ўзбек матншунослигининг шаклланиши узоқ давом этган жараён. Унинг дастлабки, содда қўринишларини туркий битиклар билан боғлиқ ҳолларда қўриш мумкин. Матншуносликнинг тадқиқ усулларидан бўлган матнни тиклаш, уни таҳрир қилиш каби ишларнинг амалга оширилганлиги эрамизнинг ilk асрларидаёқ матнга бўлган жиддий эътибордан дарак беради. Турк буддавийлари орасида китоб тузиш ишларнинг жорий этилиши, Култигин битиктошидаги матнда қўлланган “бадиз” ва “бадизчи” сўzlари наққошлиқ, ўймакорликка оид маъноларни англатиш билан бирга хоқонлар нутқини тошга битувчи – “котиб” маъносини ҳам ифодалashi, туркийтилли халқлар орасида эътиборга молик бўлган ёзма ёдгорликлардан бири “Олтин ёруғ”нинг асл матни тахминан милодий I асрда яратилгани ва X–XVIII асрлар давомида ўн марта қўчирилгани ҳамда Шарқдаги кўп тилларга таржима қилингани қадим туркий матншунослиги муайян ўз тадқиқ усуллари ва принципларига эга бўлганлигини кўрсатади. Аммо, шубҳасиз, матншуносликнинг қатъий принциплари, хусусан, китобат санъатида матн шаклининг қатъий структураси Туронзамин ерларига ислом дини ва араб ёзуви билан бирга кириб келди. Ўрта Осиёда ҳадис илмининг бекиёс ривожи, Қуръони Каримни турли тафсир ва шарҳлари, фикҳий масалаларга оид

¹⁰ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т. : Фан, 1971. – Б. 437.

илмларнинг (ақойид, фатво) кенг ёйилиши матншуносликда муайян анъаналарнинг пайдо бўлишига замин яратди. Ҳадис тўпламлари, фиқхий мажмуалар, диний нақл ва ривоятлардан хрестоматиялар тузиш ва уларни кўчириш мактаблари шаклланди. Алломаларнинг асарларига кўплаб шарҳлар ёзилиши билан қўлёзма нусхалар матни структурасида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Матн турларининг кўпайиши бир асарнинг турли шаклларида кўчирилишига ва турли номлар билан машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлди. Котиблар масъулиятига доир маҳсус рисолаларнинг пайдо бўлиши бу босқич ниҳоясида матншуносликка илм сифатида қарааш бошланганлигини исботлайди. Ўзбек матншунослиги шаклланиши ва ривожининг 1-босқичи қадим даврлардан темурийлар сулоласи хукмдорлигигача бўлган даврга тўғри келади.

Хат турлари

Ҳижрий ва қамарий йил ҳисоблари. Ой ер атрофида айланади. Шунинг учун ҳам унинг фазалари (бизга кўринадиган паллалари) сатхи goҳо кичик, goҳо катта бўлиб кўзга ташланади. Ҳалқимизда “уч кунлик ойдек”, “тўлин ойдек” деган иборалар шундан. Ҳар сафар янги ой кўринганда “ој боши бўлибди”, “янги ой туғибди” деб қўйилади. Ўтган ой боши билан янги ой боши ўртасидаги муддат 29 сутка, 12 соат, 44 дақиқа, 3,8 сониядан иборат. Демак, Ой ҳисоби билан бир йил 354 кундир. Мусулмон давлатларининг асосий қисмида ана шу ой ҳисоби вақт ўлчови сифатида қабул қилинган ва ҳижрий қамарий (яъни ой) йил ҳисоби дейилади. Ҳижрий дейилишига сабаб, бу ислом дини тарихи билан боғлиқ. Мұхаммад пайғамбаримиз Маккадан Мадинага ҳижрат қилган 622 йил 16 июль кунидан бошлаб мусулмон йил ҳисоби жорий этилган. Мусулмон йил ҳисоби халифа Умар ибн ал-Хаттоб томонидан милодий 638 йил, яъни тарихий ҳижрат кунидан 16 йил ўтиб жорий этган. Христианлар эса милодий йил ҳисоби билан иш кўрадилар. Бу ҳам дин тарихи билан боғлиқ. Христиан динида йил ҳисоби сифатида Исо пайғамбарнинг туғилган куни, тўғрироғи, туғилганидан кейин 7 кун ўтиб, ҳуқна қилинган куни асос қилиб олинган. Христианлар ернинг қуёш атрофида айланиш цикли бўйича ўз йил ҳисобларини яратишган. Ер қуёш атрофини 365 куну 6 соат ичида бир марта айланиб чиқади. Шу билан боғлиқ равишда милодий бир йил 365 кун, Кабиса йили эса 366 қунни ташкил этади. Демак, ҳижрий қамарийнинг бир йили милодий бир йилдан 11 кун кам. Шу туфайли ҳижрий қамарий йил ҳисоби билан боғлиқ бўлган диний маросимлар - рамазон, мавлуд, хаж

сафари, ҳайитлар күчиб юради. Улар ҳар сафар ўтган йилдагига кўра 11 кун олдин келади. Шу тариқа, ҳар йили 11 кундан камайиб, милодий йил ҳисобидан ортда қола бошлайди. 32 йил мобайнида 363 кун ортда қолади. Бу эса милодий йил ҳисоби билан деярли бир йилга teng. Нари-бериси билан милодий 32 йил давомида ҳижрий қамарий йил 33 йил ортда қолиши илмда қабул қилинган. Ҳижрий қамарий йил ҳисобидан бошқа ҳижрий шамсий йил ҳисоби ҳам бор. Бу ислом давлатлари бўлган Эрон ва Афғонистонда амал қилади. Туркияда ҳам илгари шу йил ҳисоби билан иш қўрилган. У милодий йилдан факат йил боши билан фарқ қилади. Ҳижрий шамсийни милодий йилга айлантириш жуда осон. Исталган ҳижрий шамсийга 621 рақамини кўшсангиз, милодий йил ҳосил бўлади. Ёки, аксинча, милодийни ҳижрий шамсийга ўtkазиш учун исталган милодий йилдан 621 рақамини олсангиз кифоя. Ҳижрий шамсий 21 мартдан бошланади.

Ҳижрийдан милодийни топиш усули. Бунинг учун ҳижрий йилни 33га бўлиш керак. Ҳосил бўлган сонни ҳижрий йилдан чиқариб, қолган сонга 621 ни қўшиш лозим. Бунинг формуласи қуйидагича:

$$X - (X:33) + 621 = M$$

$$876:33 = 26$$

$$876 - 26 = 850$$

$$850 + 621 = 1471.$$

Милодийни ҳижрийга айлантириш усули:

$$(M-621):33 + (M-621)$$

Йилни аниқ белгилашда ҳижрий йил ойларини билиш жуда муҳим. Маълумки ҳижрий йил ойлари баҳорда бошлангани учун милодий йилга айлантирганда чалкашликлар чиқариши мумкин. Масалан, юқоридаги таърих моддасига кўра 1471 йил чиқиб турган бўлса-да, қитъада айтилган шаъбон ойи милодий йилнинг қайси палласига тўғри келишини аниқлаш керак. Бунинг учун ҳижрий ойлари тартибини билиш керак бўлади.

Ҳижрий йил ойлари тартиби

Ҳижрий йил ҳисобига кўра бир ой тахминан 29,5 суткага teng. Лекин қулай бўлиши учун бир ой 30 кун деб, иккинчи ой 29 кун деб қабул қилинган. Шу тартибда исломда 6 ой 30 кундан, кейинги ой 29 кундан қилиб тақсимланган. Бу қуйидагилардир:

Мухаррам

Сафар

Раби ул-аввал

Раби ус-сони

Жумод ул-аввал

Жумод ул-охир

Ражаб

Шаъбон

Рамазон

Шаввол

Зулқаъда

Зулҳижжа

Шарқ бадииятида ҳарфларга чуқур маъно бағишилаш, улар воситасида бадиий тасвирни кучайтириш поэтик санъатлардан ҳисобланади. Шеъриятда араб алифбосининг ҳар бир ҳарфи шаклидан инсон қиёфаси, хулқ-авторини тасвирлаш шоир маҳоратидан дарак бериб, шеър бадииятининг безаги деб қаралган. Чунончи, алиф – тўғрилик белгиси, ёш қомат ва дол, аксинча, қарилик, букилган қадни ифодалайди. Шоирлар янги-янги бадиий тасвир воситалари ва хилма-хил шаклларни яратиш, улардан ўринли фойдаланишда бир-бирлари билан мусобақалашганлар. Шарқ мумтоз адабиётида жуда кенг тарқалган тасвир воситалари бўлмиш ийҳом, тарсеъ, тажохули орифона, муболага, лозими малзум, тарди акс каби ўнлаб бадиий санъат билан бир қаторда ҳарф шаклларидан унумли фойдалангандар. Иложи борича шеър жозибадорлигини кучайтиришга, тасаввур ва тафаккур уйғунлигини таъминлашга ҳаракат қилганлар. Ҳарфлар воситасида тасаввур уйғотишнинг бир неча усуслари бор. Улар ташбех, мувашшах, чистон, муаммо, хуруфи далолат ва тарьих деб аталади.

Ҳатто хуруфийлар деган диний секта ҳам бўлиб, ҳарфларнинг илоҳийлигига далиллар келтириш орқали уларни муқаддаслаштиришга уриниш ҳолатлари тарихдан маълум. Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонида Фарҳодга исм қўйиш бобида шундай келтирилади:

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди

Хуруфи маъхазин беш қисм қўйди.

Фироқу рашку ҳажр ила оҳу дард.

Борин устоди ишқ этгач мураккаб,

Тараккабдин бу исм ўлди мураттаб.

Малолат маҳдида зор этти они,

Бу қайд ичра гирифтор этти они.

Алишер Навоий Фарҳод исмининг ҳарфларидан унинг қисмати чизгиларини белгилайди. Ҳарфларга мазмун бағишлиаш шарқ поэтикасида хуруфи далолат деб аталади.

АБЖАД

Араб алифбоси 28 ҳарфдан иборат. Алифбодаги биринчи келаётган 9 та ҳарф бирлик сонларни ифодалайди. Шу тартибда ўнликлар, юзликлар ва мингликлар келтирилади. Бу ҳисоб “жумал ҳисоби” деб ҳам аталади.

(алиф)	(бе)	(жим)	(дол)	(хе)	(вов)	(зе)	(хе)	(то)	(ё)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

(Коф)	(Лом)	(Мим)	(Нун)	(Син)	(Айн)	(Фе)	(Сод)	(коф)	(ре)
20	30	40	50	60	70	80	90	100	200

(шин)	(те)	(се)	(хе)	(зол)	(зот)	(зо)	(гайн)
300	400	500	600	700	800	900	1000

Рақамларни осон хотирада сақлаб қолиш учун қуйидаги тартибда сунъий сўзлардан иборат 8 гурух ўйлаб топилган:

АБЖАД	ҲАВВАЗ	ХУТТИ	КАЛАМАН	САЪФАС	ҚАРАШАТ	САХХАЗ	ЗАЗАҒ
алиф – 1	хе (хойи	хе (хойи	Коф -20	Син -60	коф-100	се-500	зот-800
бе – 2	ҳавваз)- 5	хутти)	Лом -30	Айн -70	ре-200	хе-600	зо-
жим –3	вов – 6	-8	Мим -40	Фе -80	шин-300	зол-700	(изғи)-
дол –4	зе –7	то (итғи) - 9	Нун -50	Сод -90	тө-400		900
		ё -10					гайн-1000

Туркий ва форсий тил алифболарида араб тилига қўшилган Зта ҳарф- “п,” “ч”, “г “араб тилидаги “б”, “ж” ва “к” ҳарфлари асосида ясалгани учун шу араб ҳарфлари англатган рақамларни ифодалайдилар.

Масалан, Алишер Навоийнинг

Ҳарфи ишқ ўлди азалдин сафҳаи жонимда сабт,

Ҳар не андин ўзга барча лавҳи исёнимда сабт,

Матлаъли ғазали мақтаси шундай келтирилади:

Ишқ тийғи ёрасидин ўлганим тарихини ,

Эй Навоий, назм айлаб, айла девонимда сабт.

Матлада ғазалнинг ёзилган вақти “сабт” сўзи арабча “се”-500, “бе”-2, “те”-400 рақамларни ифодаловчи ҳарфлардан ташкил топган. Уларнинг йиғиндиси 902ни ташкил этади. Демак, ғазал ҳижрий 902 йилда, милодий ҳисобида 1497 йилда яратилгани маълум бўлади.

Илмий мазмундаги қўлёзма манбаларда абжад ҳарфлари матнларни турли бўлимларга бўлишда, астрономия, математика сингари аниқ фанларга оид тадқиқотларда тартиб рақамларини ифодалашда ҳам қўлланилади. Бундай ҳолларда ҳарфлар устига чизиқ тортиб қўйилади. Масалан, (лаб)-32, (лав)-36, (газанаҳ)-1958.

ТАЪРИХ

Таърих-бирор бир воқеа-ҳодиса содир бўлган санани абжад ҳарфлари воситасида ифодалашдир. Атоқли шарқшунос Е.Э. Бертельс унга шундай таъриф берган: ”Таърих-хронограмма,-бу, бирор-бир ҳодиса санасининг шеърий ифодасидир. Ҳирот аслзодалари давраларида бу ўйинга катта қизиқиши билан қараларди. Масжид, мадраса, карвонсарой, ҳовузларнинг қурилиш санасини белгилаш учун маҳсус сатрлар тўқилар ва биноларга чиройли қилиб ёзиб қўйиларди¹⁸⁰. Араб, форс ва туркий халқлар мумтоз адабиётида бу жанр жуда машҳур бўлиб, ҳатто шоирлар ўртасида маҳорат мезонини ҳам англатган.

Таърих ёзишнинг бир неча талаблари мавжуд. Аввало, зикр этилажак сана аниқ бўлиши лозим. Амир Алишер Навоий Ҳиротда мадраса қурдирганда унга мударрис этиб Мир Атоуллоҳни тайинлайди. Шунда янги мударрис бунинг шарафига шундай таърих битади:

Чун мадраса соҳт Мир бо илму адаб,

Фармуд маро ифодаи аҳли талаб.

Чун дар шашуми моҳи ражаб ижлос,

Таърих талаб аз “шашуми моҳи ражаб”¹¹.

¹⁸⁰ Бертельс Е.Э. Навои и Джами, стр.40 .

¹¹ Султон Муҳаммад б. Дарвеш Муҳаммад Балхий. Мажмाъ ал-ғароиб. ЎзФАШИ, инв№1262. 307⁶-вар .

(Мир илму адаб учун мадраса қуриб, илм аҳли талабини ифодалашни буюрди. Дарсларга ўтириш ражаб ойининг олтинчи куни бошланганидан унинг таърихини “ражаб ойининг олтинчи куни”дан изла.)

Ушбу таърих моддасида иккита “шин” 600, иккита “мим”-80, алиф-1, ҳойи ҳавваз-5, ре-200, жим-3, бе-2 рақамларини ифодалаб келмоқда. Уларни қўшсак, ҳижрий 891 йил чиқади. Милодий йилга айлантиrsак 1486 йил ҳосил бўлади. Кўриниб турибдики, муаллиф сана, йил ва ойни усталик билан таърих моддасида акс эттира олган.

Иккинчидан, рақамларни ҳосил қилувчи ҳарфлар йигиндиси муайян маънони англатилиши шарт. Ана шу сўз тарих моддаси деб аталади. Кичик бир шеър, қитъа ёки байтда тарих моддасининг муайян лексик бирликни ифодаласи билан бир қаторда унинг шеър контекстига мос келиши шоирдан катта маҳорат талаб қиласи. Масалан, қози Ихтиёридин Мўъмин Мирзо вафотига “хароби мулк”, яъни “мамлакат хароб бўлди” сўзини таърих қилган. Абжад бўйича ушбу таърих моддасидан ҳижрий 903 йил чиқади

Учинчидан, таърих моддаси кам сонли бўлсин. Масалан, Алишер Навоий шаҳзода Шоҳ Фариб Мирзо маст ҳолда вафот этганига ишора қилиб, “махмур”, яъни “маст” сўзини таърих қилган. Ундан абжад ҳисоби бўйича ҳижрий 886 йил чиқади.

Таърихлар икки хил бўлади: суварий ва маънавий. Суварий таърихлар зоҳирий жиҳатдан аниқ-равshan кўриниб туради. Бундай ҳолатда абжад ҳисоби лозим бўлмайди. Масалан, Навоий ўзининг “Фарҳод ва Ширин” достонини тутатган йилни шундай қайд этган:

Чу тарихи йилни онглай дедим туз.

Секиз юз сексан эрди доғи тўқуз. (ФШ. МАТ. 477-бет).

Шайх Саъдий Шерозий ўзининг Бўстон” асарида асар хотимаси таърихини шундай очиқ ифодалаган:

Зи шашсад фузун буд панжоҳу панж,

Ки, берун шуд ин ном бар дори ганж.

Яъни олти юзга эллик беш қўшилганда, бу ном ганж эшигидан чиқди. Демак, асар ҳижрий 655 йилда якунланган экан.

Маънавий таърихда лафзниң маъноси мавзуга мантиқан мос бўлиши керак.

Маънавий таърихлар тўртга бўлинади:

1. Тўлиқ сонли (Комил ал-аъдод)
2. Ортиқ сонли (Зоид ал-аъдод).

3. Кам сонли (Ноқис ал-аъдод).
4. Ортиқ ва кам сонли (Зоиду ноқис ал-аъдод).

Түлиқ сонли маънавий таърихга мисол:

Ортиқ сонли маънавий таърихга мисол:

Кам сонли маънавий таърихга мисол:

Ортиқ ва кам сонли маънавий таърихга мисол:

Шунингдек, таърихлар сарих (аниқ-равшан) ва таъмия (мавҳум, тезда тушунилмайдиган) каби икки қисмга бўлинади.

Сарих таърихлар ҳарф-рақамларни тўғридан-тўғри қўшиш орқали ҳосил қилинади. Агар бутун бир мисра таърих моддаси бўлса, у ҳолда бундай таърих “тариҳи томм”, яъни тўла тарих деб аталади. Сарих таърихларга нуқтали ҳарфларни тўғридан-тўғри қўшиш орқали ҳосил қилинадиган таърихлар ҳам киради.

Таъмия таърихлар муаммо жанрида кўроқ учрайди. Бунда таърих моддаси сўз ёки ҳарфларни шеърдаги ишорага мувофиқ чиқариб ташлаш (исқот), кўпайтириш, бўлиш ёки қўшиш орқали аниқланади. “Жомеъ ат-таворих”да Мир Ҳусайн Муаммоийнинг Жомеъ масжиди таъмирига бағишланган қуйидаги таърихи келтирилган:

Шуд мукаммал бинои ин масжид,

Лан тара фи асасиҳи нуқсо.

Кардам аз дил савол таърихаши,

Гуфт “сонии Масжид ул-Ақсо”¹⁹².

(Масжид биноси янада мукаммал бўлди.

Унинг асосида ҳеч қандай нуқсон қолмади).

Кўнгилдан таърихини сўрасам, дедики

“Иккинчи Масжид ул-аксо”дир.

Бизгача етиб келган таърихларнинг кўпи Навоий вафотига бағишлиб ёзилган шеърлардир. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида Навоий вафотида деярли барча Ҳирот фозиллари таърих бағишилаганларини айтади. Сўз узайиб кетмаслиги учун мисол тариқасида тўрт таърихни келтириб ўтади.

¹⁹² Ниёз бин Сайид Али Бухорий. Жомеъ ут-таворих:Кўллёзма.Ўз ФА ШИ,инв.№ 2893, 55^a-вар.

1. Фахриддин Мухаммад Низомий:

Он қутби замона чун бирафт аз олам

Таърих шуд онки, “қутби ақтоб бирафт”

(Ул замона қутби оламдан ўтганда, унинг таърихи “қутбларнинг қутби кетди” бўлди)

2. Камолиддин Султон Ҳусайн :

Он мағфиратпаноҳки рафт аз фазои хок

Фи равзати муқаддаси тоба ҳолуҳу,

Чун ёфт ин камол зи хайрот дар ҳаёт,

Тарихи фавт гашт “хайрун камолуҳу”.

(Ул маърифатпаноҳ руҳи тупроқдан қўтарилигач, муқаддас жаннатда аҳволи яхшиланди. Ҳаётда камолотни яхши ишлар орқали қўлга киритгани учун вафоти таърихи “Хайрун камолуҳу” бўлди)

3. Мавлоно Соҳибдоро:

Афсус зи мири осмонқадр,

К-афтод ниҳоли умраш аз бех.

Дар мотами ў чу дийда хун мireхт

“Хунрезии дида” гашт таърих.

(Афсуски, осмончалик қадрга эга Амирнинг умр ниҳоли илдизидан қўпарилиди. Унинг мотамида кўз қон тўkkани учун таърихи “Хунрезии дийда” бўлди.)

4. Мавлоно Дарвеш Али:

Дар мотами он қидваи арбоби вусул,

Абнойи замон, шоҳу гадо гашта малул.

Ҳижрат ба расул кард он саййиди қавм,

Тарихи вафоти ўст “ҳижрат ба расул”¹⁹⁹.

(Ул ҳаққа етишганларнинг улуғи мотамида барча замондошлар, шоҳу гадо ғамгин бўлди. Ул қавмнинг улуғи Расул ёнига кетди. Вафотига таърих “Расул ёнига ҳижрат “бўлди.”)

¹⁹⁹ Макорим ул-ахлоқ/М.Фахриддинов ва П.Шамсиев тарж., 131-132- бетлар.

МУАММО

Масалан.....

МУХРЛАР

Мухрлар манбашуносликда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, абжад ва таърих санъати билан бевосита боғлиқ. Мухрлардан давр ижтимоий-иктисодий ҳаёти, санъати ва адабиёти тарихи билан боғлиқ маълумотларни англаш мумкин. Фан тарихида мухрларни ўрганиш геральдика (герблар тарихи) ва нумизматика (тангалар тарихи) каби фан соҳалари қаторида жиддий тадқиқот обьекти саналади. Дунё давлатчилиги тарихида мухрлар билан боғлиқ воқеалар кўпроқ ҳукмдорлар ҳақидаги ҳикоя ва қиссаларда келтирилган. Ривоятларга кўра, Бобил ҳукмдорлари узук кўзига муҳр қўйиб, қўлларига тақар эканлар. Қадим яҳудийлар подшохи Сулаймон пайғамбар бармоғидаги узугига “бу дунё ўтки нчидир” деб ўйиб ёзилган экан. Бир куни нимадандир хафа (.....) шоҳ узугини ирғитиб юборибди. Узук ғилдираб айланиб келиб унинг ёнида тўхтаб қолитбди. Шоҳнинг кўзи унинг ич томонидаги ёзувга кўзи тушибди. Ўқиса “бу ҳам ўтиб кетади” деб ёзилган экан. Узукда ифодаланган фалсафий ҳикмат шоҳнинг бир умр ҳаётий шиорига айланибди. Амир Темурнинг узугига “rosti-rusti”, яъни “тараққиёт-тўғриликда” деб ёзилган бўлиб, унинг шиори тараққиётнинг гарови бўлган адолатни қарор топтириш эканлигини англатади. Миср амалдорлари узукка муҳр ўйиб кўпинча бош бармоқларига таққанлар ва имзо ўрнида фойдаланганлар. Хитойда мухрга ўзлари учун тумор ва мукаддас саналган ҳайвонлар суратини солиб камарларига тақиб юрганлар. Муҳаммад Пайғамбар қабилаларни ислом динига даъват қилиб юборган номаларида кумушдан ясалган узук кўзига ўйдирилган мухрдан фойдаланар эканлар. Унда “Муҳаммад Расулуллоҳ”, яъни ”Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбари” деб ёзилган экан. Мухрдаги ёзувларни ўқиш муайян тажриба талаб қиласди. Баъзи мухрларни юқоридан пастга, баъзиларини пастдан юқорига қараб ўқиш лозим. Айрим пайтларда муҳр безаги ғояси, узук кўзи ўлчови, ҳажмидан келиб чиқиб, ўртада ёзилган сўздан юқори ва қўйига қараб ўқиш лозим бўлади. Ҳар бир ҳарфни ўз ўрнига қўйиб чиқиши ҳам мураккаб вазифадир.

Мухрлар тарихий манба сифатида ҳам фанга муайян маълумот бериши мумкин. Масалан, Самарқанднинг Богошамол қишлоғида олиб борилган археологик қазишмалар жараёнида топилган бир узукда ажойиб нақшлар орасида куфий хат билан “Али” сўзи тўрт марта ёзилган экан. Агар шу ҳарфлар абжад билан ракамларга айлантирилса, 440 рақами ҳосил бўлади. Бу

хижрий 440 йилни англатади (милодийга айлантирасак, 1048 йилга тенг бўлади). Баъзи муҳрларда муҳр эгаси ва отасининг исми учрайди. Бу ўзига хос шахсни билдирувчи ҳужжат вазифасини ҳам ўтаган. Айрим муҳрларда шахс исми ва унга хос бўлган айрим унвоnlар, фазилатлар шеърий усулда ҳам келтирилган.

Муҳр эгаларининг ўз даври, жамиятда тутган мавқеи, обрў-эътиборлари ҳақида муайян маълумотларни айнан шундай муҳрлар орқали тиклаш мумкин. Алишер Навоий Амир кабир лавозимига тайинланганда олим ва фозиллар таърихлар ёзганликлари ҳақида тарихчи Хондамир батафсил маълумот берган. Навоийнинг ўзи бу ҳақда шундай келтиради: “Бу фақирга подшоҳ муҳр таклиф қилганда Мавлоно Бурҳониддин таърих айтиб эрдиким, бағоят хўб воқеа бўлуб эрди. Аммо чун факирниң таърифиға нағсилаамрда ғайри воқедир (яъни муболағадир), лозим келур эрди, битилмади (яъни келтирмадим)¹². Буюк мутафаккир эслатган ушбу таърих Хондамир томонидан тўлиқ берилган ва бевосита муҳр билан боғлиқ бўлгани учун қуида келтириб ўтамиз:

Мири фалак жаноби Алишер к-аз шараф,
Ожиз бувад з-дарки камолоти ў хирад.
Девон нешаст охири шаъбон ба доду адл,
Аз лутфи шоҳи одил ва л-хақ чунин сазад.
Чун муҳр зад ба давлати султони рўзгор,

Таърих шуд ҳаминки “Алишер муҳр зад”¹³ (Фалак амири жаноб Алишернинг шунчалик шарафлилигидан, ақл унинг камолоти кўламини идрок этишдан ожиз қолди. Шаъбон ойининг охирларида адолатпарварлик учун девонга ўтирди. Одил ва ҳақпарвар шоҳнинг лутфи шуни лойик топди. Замона султони давлатига муҳр босгандиги сабабидан “Алишер муҳр урди” бунга таърих бўлди.)

Бу қитъада “Алишер муҳр зад” жумласи таърих моддасидир. Уларни рақамларга айлантирамиз:

											йигинди
айн- 70	лом- 30	йо- 10	шин- 300	йо- 10	ре- 200	мим- 40	ҳе (ҳавваз)- 5	ре- 200	зе- 7	дол- 4	876

¹² Мажолис, 121-б.

¹³ Хуносат ул-ахбор

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Демак, хижрий 876 йилда Алишер Навоий амири кабир бўлган экан. Энди хижрийни милодийга айлантиrsак, 1471 йил ҳосил бўлади. Шаъbon ойи охирида рўй бергани ҳақидаги эслатмага асосан, йил тақвимига назар ташласак, 1472 йилнинг ойига тўғри келади.

4-мавзу. Темурийлар даври матншунослиги (XV аср)

Темурийлар даври ўзбек матншунослиги ривожида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Ўзбек матншунослиги шу даврдан эътиборан ўзининг 2-босқичига ўтди дейиш мумкин. Бу даврда илм-фан, маданият билан бирга қўлёзма нусхаларга бўлган муносабатлар кескин кучайди. Шоҳруҳ замонида Ҳирот шаҳри давлатнинг сиёсий марказига айланди. Шоҳруҳнинг ўғли ва айни вақтда вазири Бойсунғур мирзо ниҳоятда нозиктабъ, адабиёт ва санъат мухлиси, ҳунар аҳлиниң жонкуяр ҳомийси эди. “Мирзо Улугбек астрономия ва ҳандасада ўз даврида ягона бўлгани каби, Бойсунғур мирзо шеър ва хатда ўз даврининг энг машҳур кишиси эди”¹⁴.

Бойсунғур мирзо Ҳиротда улкан кутубхона таъсис этди. Кутубхонада 40 нафар етук ҳунар эгалари тўпланди. Булар хушнавис хаттотлар, китоб тузиш учун қофоз тайёрловчилар, муқовасоз, яъни сахифаларни тўплаб китоб ҳолига келтирувчилар, китоб кўчирилиб муқовалангач, сахифаларга сурат чизувчилар, олтин ҳал юргизувчилар, нодир китобларга чарм ёки бошқа бир қимматбаҳо матодан жилд ясовчилар, тўзиган китобларни қайта тикловчилар, сахифалар ҳошияси ва ёзув ораларига олтин ёки кумуш ранг пуркаб безатувчилар кабилар эди. Бойсунғур мирзонинг ўзи ҳам моҳир хаттот бўлган. Унинг олти хил ёзувни мукаммал билгани, айниқса, сулс ёзувига моҳирлиги хақида маълумотлар бор. Темурийларгача ишлаб чиқилган барча матн шакллари, асосан, диний адабиётга татбиқ этилган бўлса, Бойсунғур мирзо уларнинг барчасини бадиий адабиётга татбиқ этди. Характерли жиҳатлардан бири унинг кутубхонасида китоб кўчириш билан бирга, қўлёзма нусханинг йиғма матнини тиклаш ишлари ҳам олиб борилган. Жумладан, Бойсунғур мирзо буйруғи билан Фирдавсий “Шоҳнома”сининг турли қўлёзма нусхалари тўпланиб, биринчи бор тўлиқ ва мукаммал нусхада кўчирилди. Мазкур қўлёзма 1425–1430 йиллари Жаъфар Табризий томонидан

¹⁴ Муродов А. Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан. – Т. : Фан, 1971. – Б.51.

кўчирилиб, мусавирлар уни 20та сурат билан безадилар. Бойсунғур мирзо “Шоҳнома”нинг бу нусхасига муқаддима ёзади ва у адабиёт тарихида “Бойсунғур муқаддимаси” номи билан машхур бўлган. Мазкур “Шоҳнома” ва ўша даврда кўчирилган “Калила ва Димна”нинг нодир нусхаси (унда 35 сурат бор, 1460 йили кўчирилган) айни замонда Техрондаги Гулистон саройи музейида сақланмоқда¹⁵.

Бойсунғур “Шоҳнома”нинг йиғма матнини тузишда энг ишончли, кўпчилик эътирофида бўлган нусхаларни танлаган. Йиғма матн шакли асосан қиёсий-солиштирма, тарихий, мантиқий-мазмуний таҳлил этиш асосида тузилган. 1991 йили асарнинг илмий-танқидий матнини қайта амалга оширган М.Н.Османов шундай ёзади: “Шоҳнома” яратилгандан сўнг ўтган тўрт аср давомида муаллиф матни жуда кўп ўзгаришларга учраган, поэма нусхалари орасида ўзаро фарқлар келиб чиқа бошлаган эди. Шунинг учун XV асрда темурийлардан Мирзо Бойсунғур олимларга асарнинг ягона таҳрир матнини ишлашни буюрди. “Бойсунғур таҳрири” номи билан юритиладиган ушбу нусха – “Шоҳнома” матни реконструкциясининг ишланишида биринчи тажриба эди. Бойсунғур таҳрири замонавий илмий нашрга тайёрлаш талабларига жавоб бермаслиги табиий, чунки XV асрда Шарқда, фақат Шарқда эмас, балки Ғарбда ҳам асосий матн тузиш методикаси ишлаб чиқилмаган эди. Фирдавсий институти (Эрон) илмий ходимларининг тадқиқий таҳлилларидан маълум бўладики, Бойсунғур таҳририда муаллиф матнига сайқал берилган байтлар кўп миқдорни эгаллайди. Айнан “Шоҳнома”нинг “Бойсунғур матни” XX аср ўрталаригача асосий нусха вазифасини бажарган”¹⁶. Бундан маълум бўладики, Бойсунғур матншunosлари фақат матнларни бирлаштириш билан қаноатланмасдан, матнни тиклаш ишларини амалга оширганларки, бу матншunosлик принциплари шу даврларда анча қатъийлашганлигини англатади. Бойсунғур

¹⁵ Қаранг: Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. – Т.:Адабиёт ва санъат, 1970. – Б.79.

¹⁶ Османов М. -Н. Фирдоуси. Шах-наме. Т.1. Предисловие. – М. :Наука, 1991. – С.5.

мирзо тахрири билан тузилган “Шоҳнома”нинг йиғма матни Шарқ матншунослиги тажрибасининг буюк намунасиdir.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ёзма ёдгорликларни асраш ва қўлёзма асарларни қайта кўчиритиш каби ишларга катта эътибор қаратиш фақат Бойсунгур мирзога хос бўлмаган. Жумладан, “Шоҳруҳ мирzonинг ўғли Султон Иброҳим ҳам моҳир хунармандларга жаҳон тасвирий санъати намуналари ҳисобланган китоблар туздирди. Шундай китоблардан бири Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достони нусхаси бўлиб, ҳозирги даврда Нию-Йоркдаги Метрополитен музейда сақланмоқда”¹⁷.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек адабиёти олдидаги хизматлари ҳаммага маълум. “Бобур давлат арбоби, саркарда, тарихчи, олим, таржимон, шоир бўлиш билан бирга, ибн Муқлаъ каби буюк хат ихтирочиси сифатида Шарқقا танилган. Ҳиндистонни бошқариб турган вақтида Бобур араб хатининг турли шаклларида ёзиладиган алоҳида бир хат ихтиро қилган. Бу янги хат “Хатти Бобурий” деб аталган ва шу ном билан шухрат топган”¹⁸. Бобур ва унинг авлодлари Ҳумоюн, Акбар ва бошқалар турли фанлар қаторида адабиёт ва санъатнинг ривожига, хусусан, қўлёзма манбаларни кўчириш ва сақлаш ишларига жуда катта аҳамият қаратганлар. Бобурнинг хатга, хусусан, матнга муносабати “Бобурнома”даги бир мактуб борасидаги сўзларида яққол намоён бўлади. Бобур ўғли Ҳумоюнга давлат ишларини юритишида маслаҳат бераркан, ўғлининг унга ёзган хатидаги баъзи ўринларга эътиroz билдиради. Жумладан, Бобур хатда Ҳумоюннинг ўзига нисбатан айтилган “ёлғузлук, ёлғузлукким” сўзларини “подшоҳликда айбдур”, чунки “подшоҳлик била ёлғузлик рост келмас” деб ноўрин қўлланган сўз эканини кўрсатади. Яна шоир Ҳумоюннинг хати ва имлосини шундай чиройли кузатадики, бунда Бобур илмий салоҳияти билан бирга, ўта диққат билан матнни таҳлил этгани кўринади. Хатда шундай ёзилади: “Яна, мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг

¹⁷Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970.–Б.71.

¹⁸Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т. : Фан, 1971. – Б.122.

эди, ўқуёлмас эдинг. Ўқуёлмагандин сўнг албатта тағиyr берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, vale асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлоинг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, илтифотни “то” (ط) била битибсен. Қулунжни “ё” (ڦ) била битебсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқиса бўладур, vale бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мағхум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда коҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равshan ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғучига”¹⁹. Бундан кўринадики, Бобур Ҳумоюнга танбех беришда кўп жиҳатларга эътибор қаратаяпти. У ўзинг хатингни ўқий олмайсан, буни эса ўзинг пайқамайсан, агар билганингда ўзгартирадинг, хатингни жуда қийинчилик билан ўқиса бўлади, дейди. Бобур Ҳумоюн имлосини эмас, балки ўғлининг матнга эътиборсизлигини танқид остига олган. Ҳақиқатан, илтифот “الطفات” “الطفات” эмас, “то” эмас, “те” билан ёзилади. Бобурнинг бу ёзганларидан унинг хат ва матнга масъулият билан муносабатда бўлгани равshan кўринади.

Темурийлар томонидан олиб борилган бундай ишлар матншунослигимиз тарихини ўрганишга кенг имконият яратиб, етарли илмий-назарий таҳлилларни амалга оширишга ёрдам беради.

Темурийлар даври ўзбек матншунослиги ҳақида сўз кетар экан, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг хизматлари ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Унинг хатга, хаттотлик ишига бўлган қарашлари ўзбек матншунослиги тарихини ёритишда муҳим ўрин тутади.

Фиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” китобида ёзилишича, Алишер Навоий давлат ва ўз ижодий ишлари билан ниҳоятда банд бўлишига қарамай, бутун бўш вақтини “китоб иборатларини тузатиш, маъноларини текшириш, далиллар билан исбот этиш”га сарф этган. Китоб кўчирувчи котиблардан у муаллиф матнларини бузмасдан, ўзича

¹⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома/Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Т. : Юлдузча, 1989.–Б.321.

ўзгартирмасдан, камоли диққат ва билимдонлик билан кўчиришни талаф қилган. Жумладан, шоир “Сабъаи сайёр” достони хотимасида котибларга мурожаат қилиб, уларни шундай огоҳлантиради:

*Кимки ёзмоқта музд қилди ҳавас,
Борча мақсуди музд бўлса-ю бас.

Қора пул узра можаро қилса,
Юзидек сафҳани қаро қилса.

Қўз (کوژ) уза нуқта кўймай айлаб зўр,
Мардуми бўлмагондек айласа кўр(کوژ).

Ғайб (غیب)дин нуқтаи йўнуб амалдо,
Хат аро айб (عیب) айласа пайдо.

Хомасига кўзи мидод ўлсун,
Ул қародин анга савод ўлсун.

Тили шақ бўлсан уйлаким хома,
Орази тийра уйлаким нома²⁰.*

Навоий кучли матншунос сифатида матн тузиш, бадиий асарнинг энг тўғри нусхасини тайёрлашда жиддий талабларни ўртага ташлаган. Шоирнинг куйидаги мулоҳазалари хаттотлик санъати катта иқтидор ва масъулият талаб қилиши ҳақидадир: “Чиройли хати бор котиб сўзга оро беради ва сўзлагувчига роҳат бағишлийди. Агар хат битувчи хаттот тўғри ёзса, унинг битгани тўғрилар кўнглига сўзсиз мақбул бўлади. Муҳаррир хоҳ бир байт, хоҳ юз байт ёзсин, таҳрири дуруст бўлса, мақбул тушади. Агар ёзув шакли чиройли ва тўғри бўлмаса, билимли кишини ташвишга солади”²¹.

²⁰ Алишер Навоий. Хамса. – Т. :Ўз ССР Фанлар академияси, 1960. – Б.614.

²¹ Алишер Навоий. Маҳбуб үл-қулуб. – Т. : Адабиёт ва санъат, 1983. – Б.28.

Алишер Навоий ижодий фаолиятидан хабар берувчи XV асрга оид қўлёзма манбаларда улуғ шоирнинг ўзи ҳам ажойиб хаттот бўлганлиги ҳамда хаттотларга устозлик қилганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди²².

Шоирнинг лирик меросидан ташқари унинг “Муҳокамат ул-лугатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хамсат ул-мутаҳайирин” каби маърифий-илмий асарларида матншунослик масалаларига оид фикрларни учратиш мумкин. Навоийнинг бу соҳадаги фаолиятида ярқ этиб кўзга ташланадиган муҳим жиҳат бир асарни қўчирилаётганда унинг оригиналгини сақлашга, ғоявий ва бадиий мазмунига футур етказмасликка бўлган ҳаракатdir. А.Ҳайитметов Навоий асарларида котибларга бўлган шоир муносабатини таҳлил этаркан, шундай хulosага келади: “Айни вақтда Навоийнинг матнлар устида олиб борган ишлари унинг фалсафа, тарих, санъатшунослик, аниқ фанлардан астрономия, математика, ҳандаса, медицина ва ҳоказолар соҳасидаги бой ва чукур билимларига ҳам асосланар эди. Навоийнинг котибларга нусха тайёрлаб бериш жараёнидаги бу хил ишларини эса, ҳозирги тушунчада, матншунослик характеристига эга бўлган ишлар эди деб ҳисоблаймиз”²³.

Навоий ўз асарлари матни устида доим кузатиш олиб борган. Буни баъзи асарлари қўлёзма нусхаларини қисман қайта таҳrir этганида кўриш мумкин. Девонларидаги айрим шеърларига ўзгартиришлар киритгани, мисраларни қайта ишлагани, айрим сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштиргани, мисралар сонини камайтириб ёки кўпайтиришни лозим топгани унинг матншунос сифатида юқори малакага эга бўлганидан далолат беради.

Навоий “Хазойин ул-маоний” лирик куллиётини тайёрлашда ҳам жуда катта таҳrir ишларини амалга оширгани, матнга масъулият билан ёндашгани ҳақида навоийшунос олимлар кўп тўхталганлар. Шоир илк девонидаги шеърларини “Хазойин ул-маоний”га киритар экан, котиб томонидан йўл қўйилган хатоларнигина тузатиб қўя қолмай, балки кўпчилик шеърларни

²² Қаранг: Сирожиддинов Ш. Навоий навосидан баҳра олиб... – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – Б.4.

²³ Ҳайитметов А. Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдиди ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёти. – 1965. – № 1. – Б.23–30.

қайта таҳрир қилган. Натижада “Илк девон”даги бир неча шеърларнинг янги варианatlари вужудга келган.

Алишер Навоий ижоди ўзидан кейинги барча ўзбек шоирлари учун маҳорат мактаби ҳисобланган. Кейинги даврларда Навоий асарлари юзлаб нусхаларда учрайди. Навоий асарларини кўчириш анъанаси хаттот ва котибларни даврнинг синчков матншуносларига айлантиргани шубҳасизdir. Алишер Навоий асарларини китобат қилган котиблар хусусида шу сатрлар муаллифларидан бири ўз вақтида қўйидаги фикрларни билдирганди: “Хаттот ва котиблар Навоий асарларини кўчиришда, бир томондан, хаттотлик маҳоратини орттирсалар, иккинчи томондан, кўчириш жараёнида Навоий сўзи қудратининг нақадар кучли эканлигига имон келтира бошлаганлар ва мафтункор шеърият сехри уларни батамом ўз оғушига олган. Кўпчилик хаттотлар Навоийнинг бирор-бир асарини кўчириб бўлишгач, ўша асар руҳи таъсиридан чиқолмай, ўз таассуротларини китоб охирида қайд этиб кетишган”²⁴.

Бундан кўринадики, хаттот ва котиблар фақат нусха кўчирувчи бўлмаганлар. Улар ўzlари кўчираётган асарларига холис баҳо бера оладиган зукко матншунос ҳам бўлганлар. Масалан, Навоийнинг хос котиби Абдулжамилнинг “Тухфат ус-салотин” китоби ана шундай ҳайрат натижасида тузилган. “Тухфат ус-салотин”нинг муқаддимасидан маълум бўладики, котиб Навоий назмидан баҳра олиб, ҳайратли ҳаяжон денгизига ғарқ бўлган ва таассуроти ниҳоят даражада жўшқинлигидан ушбу мажмуани жам қилмоққа жазм этган. Котиб шоир байтлари хусусида шундай ёзади: “Ҳар тухфасида чандин латойиф ва ғаройиби марғуб макнун ва мавжуд ва ҳар лафзи бир қиссага шомил ва ҳар байти бир оятга мутаззамин ва мисраи бир ҳадисға мувофиқдуур”²⁵. Абдулжамил котиб буюк мутафаккир ижодининг ўз замонидаги илмий тадқиқотчиси ва ўткир зеҳнли матншунос бўлган деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Буни П. Шамсиев “Садди

²⁴ Сирожиддинов Ш. Навоий навосидан баҳра олиб... – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – Б.5–6.

²⁵ Абдулжамил котиб. Тухфат ус-салотин. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2007. – Б.7.

Искандарий” достонининг илмий-танқидий матнини тайёрлашда дуч келган котиб ва хаттотлар амалга оширган таҳрир ишлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, олим шартли “Г” ҳарфи билан белгилаган Ленинград давлат кутубхонасида 55-рақам билан сақланувчи қўлёzmанинг 15 бетида 68 байт, XXX бобида фақат бир байт туширилиб қолдирилганлиги ва ким томонидандир қўлёзма четига тўлдириб қўйилганлигини қайд этади. Шунингдек, Қозон университетида 15334-рақамли “Е” қўлёzmасида: а) LXII бобида 6 ва 7 байт икки қайта ёзилиб, улар 9 байтдан сўнг қайтарилганлиги котиб томонидан ҳар бир қатор устига از “ортиқча” белгиси орқали қайд этилганига эътибор қаратади. У вактда қаторни ўчириш хаттотликда кечирилмас нуқсон ҳисобланган. Шунинг учун котиблар у ё бу хатоларни турли белгилар билан билдириб кетганлар. Масалан байт қаторлари тескари тартибда ёзилган бўлса, белги ح ‘م (‘м – муқаддам, ح – охир) қўйилган; в) XLVIII бобида 46-байт икки қайта ёзилган, котиб фахмламаган шекилли, қайтариқ белгиси қўйилмаган; г) кейинчалик китоб четига қўйиб тикланган байтларда ҳам тушириб қолдирилган сўз учрайди. Бундай ҳоллар 4, байтлар 9; д) бу қўлёzmанинг яна бир хусусияти шундаки, мисрада йўқ сўзлар матндан ташқарида, яъни четда берилган. Баъзан котиб четга тушуниш қийин бўлган сўзларни طريد، کور كه، غول، کيچيم (кабиларни) чиқарган ва уларга форсча тушунтириш берган²⁶.

Мана шу таъкидлардан маълум бўладики, ўзбек матншунослигининг айни шу даврларида нусха қўчириш жараёнида битта қўлёзма билан чекланмасдан, бир неча қўлёзмалар қиёсий текшириб кўрилган. Акс ҳолда, котиблар қўчирилаётган нусхада тушириб қолдирилган ёки қўшиб ёзилган жойларни аниqlаш имконига эга бўлмасдилар.

Шу даврларга хос яна бир жиҳат матн шакллари янги турларининг ишлаб чиқилишида кўринади. Котиблар шоир асарларини ихлос билан китобат қилиш жараёнида ўзлари ҳам илҳомланиб оригинал тўплам-мажмуалар тузганлар. Масалан, иншо санъатига доир қўлланмаларда, хатлар

²⁶ Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986 – Б.39.

тўпламларида матнларни тузишда ишлатиладиган қонун-қоидалар, хаттотларга кўрсатмалар ва турли намуналар келтирилган.

2.1. Темурийлар даврида илм-фан, маданият билан бирга қўлёзма нусхаларга бўлган муносабатлар жиддий равища кучайди. Темурийзодаларнинг саъй-харакатлари матншунослик анъаналарининг сезиларли ривожланишига олиб келди. Алишер Навоий котиблардан муаллиф матнларини бузмаслик, ўзича ўзгартирмаслик, унинг оригиналлигини саклаш, гоявий ва бадиий мазмунига футур етказмаслик, билимдонлик билан кўчиришни талаб қилган. Навоий асарларини кўчириш анъанаси хаттот ва котибларни даврнинг синчков матншуносларига айлантиргани уларнинг нусха кўчириш жараёнида битта қўлёзма билан чекланмасдан, бир неча қўлёzmани қиёсий текшириб кўрганликлари, иншо санъатига доир қўлланмаларда, хатлар тўпламларида матнларни тузишда ишлатиладиган қонун-қоидалар, хаттотларга кўrсатмалар ва турли намуналарни келтирганликлари билан тасдиқланади.

5-мавзу. XVI- XIX асрлар ўзбек матншунослиги

XVI–XIX асрлар ўзбек матншунослиги тарихини кузатар эканмиз, котибларнинг қўчирилаётган асарнинг ишончли, қадимий нусхасини танлашга ёки манбанинг йиғма матнини яратишга интилганликларини кўрамиз. Шу даврларда яратилган кўплаб матнларнинг дебочаларида муаллифнинг “турли аниқ манбалардан териб тўпладим” қабилидаги эътирофлари йўқолиб бораётган асарларнинг янги вариантларини яратиб, асар умрини узайтиришга бўлган ҳаракатларидан дарак беради. Бундай асарлар сирасига диний, калом, тасаввуфий, дидактик асарлар билан бирга адабий, тарихий-тазкиравий характердаги асарлар киради. Шулар қаторида Алишер Навоий асарларини мажмуалар ҳолида қўчириш ҳам даврнинг энг машхур зотлари дикқат-эътиборида бўлган. Шу билан бирга, қўлёзмаларнинг ҳар хил савиядаги котиблар томонидан қўчирилиши, айrim хаттотларнинг эътиборсизлиги, баъзи котибларнинг байтларни ўқий олмаслиги ёки баъзи байтларни атайлаб тушириб ёки ўзгартириб ёзилиши натижасида асар муаллиф таҳриридан узоқлаша борган. Бу ҳол қўлёзмалар қанча қўчирилса, шунча ортиб борган²⁷. Бу даврда яратилган юзлаб қўлёзмаларда акс этган хатоликлар, муаллиф матнини бузиш ҳоллари, сакталиклар ҳаваскор ёки хаттотлик касбини эгаллаш йўлидаги илк машқлар натижасида ҳам рўй берганлигини назардан қочирмаслигимиз керак. Сўзсиз, матншунослиқда котиблар томонидан аслиятдаги сўзларни билиб-бilmай ўзгартирилиши нуқсон ҳисобланади. Айrim адабиётшунослар, жумладан, А.Рустамовнинг фикрича, муаллиф даврида қўчирилган қўлёзмалар матнидаги ўзгаришларни котиб қилганми, муаллифми, аниқлаш жуда қийин. Олим шундай мисолга эътиборни қаратади: “Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарининг ҳамд бобида шундай байтлар бор:

²⁷ Қаранг: Сирожиддинов Ш. Навоий навосидан баҳра олиб... – Самарқанд: Зарафшон, 1996.

*Минтақа бирла фалаки ложсувард,
Сунъи бисотида ики тахта нард.
Солмоқ учун тоси сипехр ичра шайн,
Ою Қуёштин қилибон каъбатайн.*

Бу мисралар “Хамса” қўлёзмаларининг Абдулжамил нусхасида берилган. Аммо Султонали Машҳадий нусхасида “тоси сипехр” иборасидаги “тос” сўзи “ток” сўзи билан алмаштирилган. Агар иборанинг ўзи назарда тутилса, бу ўзгариш маъкулга ўхшаб кўринади. Лекин фалакнинг нардга, Қуёш билан ой каъбатайн – нарднинг икки шашқолига ўхшатилгани ҳисобга олинса, мазкур тузатишнинг аслида бузиш бўлганлиги маълум бўлади”²⁸.

XVI–XIX асрлар ўзбек матншунослигида кўринган яна бир янгилик матн мазмунини сақлаган ҳолда уни шаклан ўзгартириш ҳодисасидир. Масалан, XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Хоразмда яшаган шоир Умар Боқий Алишер Навоий “Хамса”сидаги достонларни насрий қиссага айлантирган. Унга “Насри Хамсаи беназир” деб ном берган. Умар Боқий достонларнинг асосий воқеа ва эпизодларини сақлаб қолган. Умар Боқий асар композициясидан йироқлашиб кетмасдан, қаҳрамонлар характеристерининг асосий моҳиятини ҳам сақлашга ҳаракат этган. Умар Боқий тайёрлаган насрий баённинг диққатга сазовор жойи шундаки, бу иш “Хамса”ни оммалаштириш ва унинг оддий ўқувчига тушунарли матнини тузиш йўлида қўлланган илк тажрибадир.

XIX аср Мовароуннахрда адабий жонланиш, ўтмиш мумтоз адабиётини тарғиб этишда янги эпкинни вужудга келтирган аср бўлди. Қўқон, Хоразм адабий муҳитларида яратилган ва кўчирилган ўнлаб қўлёзмалар ўзбек халқи маънавий дунёсини бойитди. Ушбу кўтарилиш ўз-ўзидан матншунослик ишларига бўлган талабчанликни жиддий оширишни тақозо этди. Хатга муҳим ҳодиса сифатида ёндашиш XIX асрда яшаб, ижод этган шоир, тарихчи, таржимон ва хатtot Мунис Хоразмий ижодида яққол кўзга ташланади. Унинг “Саводи таълим” асари асос-эътибори билан хаттотлик

²⁸ Рустамов А. Ёзма мерос матнига доир баъзи масалалар // Шарқшунослик, 2009. – №14. – Б.7.

илмига оид ҳисобланса-да, ҳуснихат таълими борасидаги қимматли фикрлари аҳамиятлидир. Мунис асарнинг “Хат таърифи” қисмida:

*Хатдур сабаби тароши хома,
Зийнатбахии узори нома.
Сўз маҳзанинг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хизонаси ҳам.
Ҳар сўзки кўнгулдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлгай эрди нобуд²⁹.*

Шоир ёзувнинг жамият тараққиётидаги тарихий зарурият эканлигини таъкидлаб, инсон илмининг ярми хат туфайли деб баҳолайди:

*Бу навъ буюрди шоҳи аброр,
Ким, илми ёрими хатдур, эй ёр.
Бас, мундоқ эса хат эътибори,
Иzzат дарин оч хат аҳли сорслиги³⁰.*

Ўзбек матншунослигининг ривожи, янги имкониятлари кенгайишида XIX аср иккинчи ярмида Туркистонда очилган типо-литографик корхоналарнинг ўрни бекиёс бўлди. Асли литография сўзи грекча “lithos” – тош, “grapho” – ёзмоқ сўзларидан олинган. Тошбосма китоб босиш учун тошнинг сирти босма шакл бўлиб хизмат қилган, матн ёки тасвир тошбосма тошига қуюқ туш ёки маҳсус қалам билан туширилган ва нусхалар кўпайтирилган. Литография усулида китоб тайёрлашни баъзи олимлар ясси чоп этиш деб ёзишади. Жумладан, Ш.Зиёдовнинг ёзишича, ҳарф терилмайдиган, полиграфия терминологияси бўйича ясси чоп этиш усули литография бўлиб, яъни ясси чоп этиш – матн олдиндан қоғоз варағига

²⁹ Шермуҳаммад Мунис. Саводи таълим. – Т. : Ўқитувчи, 1997. – Б.15.

³⁰ Шермуҳаммад Мунис. Саводи таълим. – Т. : Ўқитувчи, 1997. – Б.15.

битилган ва тош шаклга тескариси туширилган аксдан нусха кўчириш усули ҳисобланади³¹.

Литография усули немис ношири Алонзий Зенефельдер томонидан 1796-1798 йилларда кашф этилган бўлиб, Шарқ ўлкаларига 19 асрнинг иккинчи ярмидан кириб келган. Қўлёзмаларни кўпайтириш ишларида литография жуда катта қулайлик яратган. Ҳиндистонда литографик усулда китоб нашр этиш ишларининг ривожланиши Шарқ қўлёзма нашрларининг кенг тарқалишига олиб келди. 19 асрнинг охри ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида савдо алоқалари жонланиб, Ўзбекистон худудига кўплаб Шарқ адилари ва тарихчилари асарларининг литографик нашрлари кириб келди. Қўлёзма асарларнинг бундай қурай кўпайтириш имконияти Ўзбекистонда ҳам литографик нашриётларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Отажон Абдулаев томонидан Хивада 1880 йилда Хива хони раҳнамолигида очилган литографияда Алишер Навоийнинг “Хамса”си нашр этилди. Шу даврда Тошкентда С.Лактин босмахонаси ишга тушди. 1893 йилда О.Порцев нашриёти, 1896 йилда О. Брейденбах ва В.Ильин нашриёти ташкил этилиб, араб, форс, ўзбек тилларида турли бадиий ва тарихий асарлар чоп этила бошлади. 1907 йилда Тошкентда Кўкча даҳасининг Ҷақичмон маҳалласида очилган Мулла Ғулом Ҳасан маҳсум Орифжон ўғли босмахонаси, айниқса, ўзбек матбаачилиги тарихида ўзининг маҳсулдорлиги билан алоҳида ўрин тутади. Ушбу босмахонада ўша даврнинг машҳур хаттот, рассом ва босмахона усталари жамланган эди. Улар томонидан халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб, “Устоди аввал”, “Адибул-аввал”, “Ҳафтияқ” каби дарсликлар, Ҳинд халқининг фалсафий-дидактик асари ”Калила ва Димна” таржимаси, Фирдавсий “Шоҳнома”сининг таржимаси, Сўфи Оллоёр, Бедил, Алишер Навоий асарлари билан бирга замонавий шоирларнинг баёзлари ва турли тазкиралари чоп этилган.

Тошкент ва Хивада очилган босмахоналар шу даврда ўзбек мумтоз адабиёти намуналари билан халқни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Марказий Осиёда илк типография расман Тошкентда 1868 йили ҳарбий штабда ташкил этилди. Тошкентдаги бу босмахона хизмат доираси учунгина ташкил этилган бўлиб, типо-литографияда, асосан, Туркистон губернаторлиги расмий хатлари, буйруқлари, телеграмма ва бошқа хужжатларини чоп этиш мўлжалланган эди. Тошкентда бирин-кетин матбаалар иш юрита бошлади.

³¹ Қаранг: Зиёдов Ш. Марказий Осиёда илк тошбосма китоблар нашри тарихидан // Шарқшунослик, 2009, –№ 14. – Б.136.

Туркистонда китоб босишининг икки хил усули қўлланди. Биринчиси типографик (михбосма) усул бўлиб, унда мих шаклидаги металл ҳарфларни қўлда териш орқали китоб босилган. Бунда араб ёзувининг насх ёзувидан кенг фойдаланилган. Иккинчиси эса литография (тошбосма) усул, унда дастлабки, асосий ишни хаттот бажарган. Хаттот босиладиган китобнинг матнини маҳсус қофозга кўчириган. Бу қофоздаги матн тошқолип сиртига ўtkазилган ва унга кимёвий ишлов берилган. Сўнгра ана шу тошқолилардан нусхалар олинган. Хаттот тошбосмага матн кўчириганда асосан настаълик хатидан фойдаланган. Лито-типографикка нисбатан литографик усул кенг қўлланган. Бунга Алишер Навоий асарларининг 1879–1917 йиллар давомида Туркистон шаҳарларида кўп матбааларда босилган 70га яқин нашри фақат тошбосма усулида амалга оширилганлиги мисол бўла олади³².

Ўрта Осиёда тошбосма усулидаги дастлабки матбаа Хивада Муҳаммад Раҳимхон II саройида юзага келади. “Шарқда биринчи матбаа 1832 йили Эронда пайдо бўлган эди. Шунинг учун Эрондан Иброҳим Султон номли матбаачи Хива саройига таклиф этилади. Иброҳим Султон маҳаллий ёшлардан Отажон Абдаловга матбаачилик сирларини ўргатади, 1874 йилдан бошлаб баъзи ҳужжатлар тошбосма усулида чоп этила бошлайди”³³.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Хива хонлиги маданий ва ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган Муҳаммад Раҳимхон II кутубхоналар ташкил этиш ҳамда қўлёзма манбаларни асраш ва кўпайтиришга катта аҳамият қаратган. Бошқа Хива ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ Муҳаммад Раҳимхон II ўз замонининг етук шоири бўлган. У тарихий, адабий асарларни севган ва уларни кўплаб кўчирирган ҳамда саройга тўплаган. Муҳаммад Раҳимхоннинг иккита кутубхонаси бўлиб, бири қишки қароргоҳ – Арк ичкарисида, яна бири ёзги қароргоҳ – шаҳар ташқарисидаги Тозабоғ саройида жойлашган эди. Бу кутубхоналарда ихчам феҳрист – каталоглар тузилган, китобларнинг муқоваларига уларнинг номлари битилган ёрликлар

³² Қаранг: Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчириган хаттотлар. – Т.: Фан, 1991. – Б.39.

³³ Эркинов А.С., Полвонов Н.Т, Аминов Ҳ. А. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т. : Янги аср авлоди, 2010. – Б.9–10.

ёпиширилган. Фихрест-каталогда қўлёзма ва литографик асарлардан жами 914 жилд китоб баёни келтирилган. Улар 893 асарни ташкил этиб, буларнинг 604 жилди қўлёзма бўлиб, 310 жилди тошбосма нусхалардир³⁴.

Шу даврда Тошкентда ҳам биринчи хусусий литографик матбаа – С.И.Лахтин матбааси иш бошлади. 1877 йили очилган бу босмахона рус тилидаги китоблар билан бирга маҳаллий тиллардаги китобларни ҳам нашр қилишга эътибор қаратди. Тошкентдаги йирик матбаалардан яна бири – О.А.Порцев матбааси эди. У 1888 йили очилиб, китоблари анча сифатли, қофози ва муқовалари алоҳида эътибор билан танланар эди. В.М.Ильин матбааси эса 1899 йили ташкил топган, унда ўзбек адабиёти тарихига оид кўпгина китоблар босиб чиқарилган³⁵.

Самарқанд, Бухоро, Кўқон, Андижон, Марғилон каби шаҳарларда кейинчалик ривож топган матбаалар ўзаро бир-биридан кескин фарқланмайди. Лекин шунга қарамай уларнинг айрим томонлари, жумладан, нашр этиш техникаси ва сифати, асосан чоп этган асарлари мавзу кўлами билан турлича бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошидаги тошбосма нусха тайёрлаш жараёнида олиб борилган амалий ишлар ўзбек матншунослиги билан бевосита боғлиқ. Нашр учун нусхаларнинг танланиши, уларни нашрга тайёрлаш чоғида муайян таҳрир ишларининг олиб борилиши матншунослик изланишларини талаб қиласди. Кўплаб нусхалар орасидан босма нашр учун нусхаларни саралаш ҳамда нашрга тайёрлаш жараёнида уларни қиёсан ўрганиш, лозим бўлганда, матний тафовутларни бартараф этиш, хатоларни аниқлаб, ягона матнни тузиш ишлари кейинги давр матншунослигига муайян принципларнинг шаклланишига замин яратди. Шу жиҳатдан тошбосма нусхадаги китоблар Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим манба

³⁴ Қаранг: Эркинов А.С., Полвонов Н.Т., Аминов Ҳ. А. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т. :Янги аср авлоди, 2010. – Б.38.

³⁵ Қаранг: Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан // Адабий мерос, 1968, –№1. – Б.99.

бўлиш билан бирга матншуносликнинг шу даврга хос хусусиятларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятли ҳодиса ҳисобланади.

Ўзбек матншунослиги тараққиётида бу даврнинг ўзига хос **хусусиятлари** шу билан ажralиб турадики, тошбосма нусха тайёрлаш учун айнан матншуноснинг ишини бевосита ўз вазифаси билан алоқадор ҳолда котиб, ношир, муҳаррир кабилар амалга оширган. Тошбосма нусха учун асарни кўчираётган хаттот ёки котиб ўз ишига илмий ёндашиб, кўл остидаги матнга танқидий қараган. Албатта, бундай ёндашувни ҳозирги даврдаги танқидий муносабат билан тенглаштириб бўлмайди. Аммо хаттот ва котиблар матнни нафақат кўчириш билан шуғулланганлар, балки уни бадиий, фалсафий ва тарихий аспектлари билан бирга комплекс тадқиқ этганлар, жиддий текширувдан ўтказиб, тегишли тузатишлар киритганлар. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихини ўрганган А.Муродов Шарқда котиблик билан ном чиқарган ҳар бир шахс оддий техник вазифасини бажарувчи киши эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида фавқулодда катта роль ўйнаган илм-маърифат аҳли ва йирик маданият арбоби бўлганини алоҳида таъкидлайди³⁶.

Тошбосма нашр учун матн тайёрлашда хаттот қўлёзмаларни маълум даражада ўрганиб, уларнинг ишончлилари асосида тошбосма учун матн тайёрлаган ва муайян матншунослик фаолиятини олиб борган.

Котибларнинг кўпчилиги филологик билимга эга саводли, илмли кишилар бўлган. Хусусан, А.Муродов машҳур Шоҳмурод котиб шогирдларидан Ҳусниддинхон ҳақида сўз юритаркан, уни “Шарқ адабиёти тарихи ва назарияси бўйича олим ҳамда араб, форс тилларига таржимон эди”³⁷, – деб ёzádi. XIX асрнинг иккинчи ярмида таржимонлик фаолияти билан танилган Алмай Қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли машҳур шоир ва хушнавис хаттот бўлган. Шарқ дидактик адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари орасида энг машҳурларидан бири бўлган “Калила ва Димна”

³⁶ Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан, 1971. – Б.4.

³⁷ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан, 1971. – Б.152.

асари Алмай қаламига мансуб бўлиб, тошбосмада бир неча бор нашр этилган ва халқимиз томонидан севиб ўқилган. “Калила ва Димна”нинг ўзбек тилига қилинган кейинги таржимасида қаҳрамонлар ҳамда персонажлар, мамлакат, шаҳар ва қушлар номи ҳам турли таржималарда турлича бўлғанлигидан кўпроқ Алмай таржимасига таянилган³⁸. Бундай котиблар асар матнининг мукаммал бўлишини таъминлаганлар.

Тошбосма нусхалар тайёрланишида котибнинг матн мазмунини қай даража тушуниши, муаллиф ғоясини идрок этиши муҳимдир. Жумладан, 1323/1905 йили Тошкентда Порцев матбаасида тайёрланган “Хамса” асари тошбосма нусха матни Абдуманноф Ҳожи томонидан кўчирилган. Котибнинг тўла исми Абдуманноф Абдулваҳҳоб ўғли бўлиб, халқ ўргасида Қори Абдуманноф, Абдуманноф Ҳожи номлари билан ҳам машҳур бўлган. Тошбосма учун кўчириб берган қўлёзмаларига ҳам Қори Абдуманноф ёки Абдуманноф Ҳожи деб имзо қўйган. Абдулманноф Ҳожи Тошкентнинг Ҳофиз Кўйки маҳалласида яшаган. У Бухорода таълим олган. Сўнгра Тошкентда машҳур хаттот Абдулҳақ Котиб Алим ўғли (1808–1886)га шогирд тушиб хаттотлик санъатини ўргангандан ташкил этилган. Абдулманноф Ҳожи 1945 йили 65 ёшида поезд остида қолиб ҳалок бўлган. Котибнинг араб ва форс тилларида кўчирган қўлёзмалари сақланиб қолган³⁹. Матншунос П.Шамсиев тайёрлаган “Хамса” достонлари илмий-танқидий матни билан Абдуманноф Ҳожи кўчирган нусха матни ўзаро солиштирилганда дикқатимизни Абдуманноф Ҳожи асарни кўчиришда жуда эътиборли бўлгани тортди. У муаллиф матнини асли ҳолича сақлашга ҳаракат қилган экан. “Фарҳод ва Ширин” асари илмий-танқидий матни билан Абдуманноф Ҳожи тайёрлаган нусха матни бир-бирига деярли мос келади ва достондаги байтлар сони ҳам бошқа тошбосма нусхаларига нисбатан кам тафовут қиласи. Мисол учун, Абдуманноф Ҳожи томонидан тайёрланган

³⁸ Қаранг: Калила ва Димна. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б.253.

³⁹ Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан, 1971. – Б.152.

литографик нашрнинг баъзи жойларини асар илмий-танқидий матни билан ўзаро қиёсий солиштириб кўрсак:

کузوم قанининг قмагин چо бақиб⁴⁰
анинг даги кузом дик қані آқиб
(Кўзум қонининг қамогин чу боқиб,
Анинг дөги кўзумдек қони оқиб).

Литографик нашрда эса бу байт қуидагича ёзилади:

کузوم قанининг آқмагин چо бақиб⁴¹
анинг даги кузом дик қані آқиб
(Кўзум қонининг оқмогин чу боқиб,
Анинг дөги кўзумдек қони оқиб).

Кўринадики, “Фарҳод ва Ширин”нинг илмий-танқидий матнидаги

“кузом қанининг қмагин” бирикмаси Абдуманноф Қори кўчирган нусхада “кузом қанининг қмагин” тарзида ёзилган. Агар “Фарҳод ва Ширин” достоннинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф(мафоийлун мафоийлун фаулун V – – – V – – – V – –) вазнида ёзилганлигини инобатга олсак, ҳар иккала бирикма ҳам вазн талабига мос тушади. Аммо эски ўзбек тилининг грамматик қурилишига кўра, -ни тушум келишиги ва – нинг қаратқич келишиги қўшимчасининг қўлланишида хатолик келиб чиқкан. Шунинг учун ҳам достоннинг тошбосма матнида “кўзум қонининг оқмогин” бирикмаси ўринли қўлланган, деб ҳисоблаймиз.

Лекин илмий-танқидий матн нашрида шу мисрадаги “қмагин” сўзидағи “и” алиф ҳарфи тушириб қолдирилган, литографик нусхада “қмагин” тарзида тўғри ёзилган.

⁴⁰ Алишер Навоий. Ҳамса. Фарҳод ва Ширин. Танқидий матн. – Т.: Ўз ССР Фанлар академияси, 1963. – Б.179.

⁴¹ Мир Алишер Навоий. Ҳамса. ЎзР ФА Шарқшunoslik институти, тошбосма, инв. №11544. 175-саҳифа.

Абдуманноф Ҳожи кўчирган тошбосма нусха билан достон илмий-танқидий матни нашрида яна шундай фарқланишлар учрайди: “Фарҳод ва Ширин” достони илмий-танқидий матнида:

بولار ایچرا بار ایردی بیر ضعیف ایت
مینینگ دیک زارو محوّر و نحیف ایت⁴²

(Булар ичра бор эрди бир заиф им,
Менингдек зору маҳжуру наҳиф им).

Асарнинг тошбосма нашрида эса:

بولار ایچرا بار ایردی بیر ضعیف ایت
مینینگ دیک ناتوان و بیر نحیف ایت⁴³

(Булар ичра бор эрди бир заиф им,
Менингдек нотавону бир наҳиф им).

Маълум бўлаяптики, Абдуманноф Ҳожи мінинг дік заро мхор и Нхіф айт

бирикмасини мінинг дік натван и бир нхіф айт ташлаб кетилган, қолдирилган, “нотавон” – заиф, қувватсиз, деган маъноларни англатишини назарда тутсак, “зору маҳжур” сўзида бадиий мантиқ ва таъсирчанлик кучли. Арабча (نحیف) “ориқ” сўзининг мазмунини “нотавон” сўзидан кўра “зору маҳжур” бирикмаси кўпроқ кучайтиради. Нотавон – бемадор, заиф маъноларини беради, наҳиф сўзи “эгаси ташлаб кетган қаровсиз, ориқ ит” маъносида илмий-танқидий матндағи каби кучли ҳиссий-мантиқий тасаввур уйғотмайди. Шунинг учун ҳам илмий-танқидий матнда “маҳжур” сўзи танланганлиги, албатта, тўғри бўлган. Аммо, тан олиш керакки, Абдуманноф Ҳожи “Хамса”ни кўчириш учун мукаммал нусхани танлай олган, матн билан ишлашга жиддий ёндашган.

Ўзбек матншунослигининг тошбосма нашрлар билан боғлиқ даври ҳақида шуни айтиш мумкинки, шу жараёнларда илгаридан шаклланиб

⁴² Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Танқидий матн. – Т.: ЎзССР Фанлар академияси, 1963. – Б.178.

⁴³ Мир Алишер Навоий. Хамса. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, тошбосма, инв. № 11544. 175-саҳифа.

келаётган анъаналар, принциплар қатъий кўриниш касб этди. Шароит талабидан келиб чиқиб котиб, ношир, муҳаррирлар, ўз вазифалари билан бирга матн тузиш ишларига тааллукли бўлган услубий қўлланмаларни амалиётга жорий этишди. Бу даврнинг асосий хусусиятларидан яна бири тошбосма нусха матнини тайёрлашда матнга ўрта асрлардагидек асосиз равища қўшимча киритиш ёки тушириб қолдириш каби камчиликларга чек қўйилди. Илгари, яъни XIX асргача бўлган даврда асарнинг нусха кўчирилиши ёки таржима этилишида айрим ҳолларда, муаллиф матнiga ижодий ёндашилган бўлса, энди бундай эркинлик тақиқланди. Тошбосма нусха ноширларининг кўпчилиги маърифатли инсонлар бўлиб, матншунос сифатида ҳам масъулият билан иш юритганлар. Бу даврга хос яна бир хусусият шундаки, тошбосма усулида оригинал матншунослик ишлари ҳам нашр этила бошланди. Масалан, 1908 йили Алишер Навоий “Хамса” асарининг насрий баёни Тошкентда нашр этилди. “Насри “Хамса”и беназир” деб номланган бу китобнинг котиби Раҳматуллоҳ Абдушукур ўғлидир. Эътиборлиси, Мулло Мир Махдум ибн Шоҳюнус китобга ноширлик қилган ва “Хамса” достонлари насрий вариантини унинг ўзи тайёрлаган⁴⁴. Бу нусха ноширнинг Навоий асарларидан яхши хабардор бўлганлигини кўрсатади.

Бу даврга хос илғор тенденциялардан бири йиғма-қиёсий матнларга эътиборнинг кучайишидир. Тошбосма нусха матни мукаммаллигини ўз назоратига олган кишилар асар муҳаррирлари эдилар. Чунки ҳар доим ҳам тошбосма учун хаттот томонидан нусха танланмаган, балки маҳсус кишилар, айтайлик, муҳаррир қўлёзма матнини танлаган, котиб эса уни кўчирган. Муҳаррир деб, аслида, таҳрир қилувчи шахсга айтилади. Бироқ XIX аср охири – XX аср бошига келиб муҳаррир фақат ёзадиган, таҳрир қиладиган эмас, балки қўлёзма манбани нашрга тайёрлашда бевосита унинг нусхаларини ўрганадиган шахснинг лавозимига нисбатан қўлланиладиган истилоҳга айланди. Баъзан нашр муҳаррири манбанинг нусхаларини саралаган, муайян матнни турли жиҳатдан таҳрир қилиб, асосий матнни

⁴⁴ Қаранг: Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Т.: Фан, 1991. – Б. 40.

тузган, уни босмага тайёрлаган. Албатта, бундай тошбосма нусха матнини бизнинг тушунчамиздаги йиғма-қиёсий матн шакли деб бўлмайди, лекин уларга йиғма матн шаклининг яхши намунаси деб қараш тўғри бўлади. Масалан, Навоий “Хамса”си 1297/1879 йили Мухаммад Раҳимхон II фармони билан тошбосма матбаада чоп этилади. Асарни тошбосма учун Сўфи Хоразмий деган хаттот кўчирган. “Хамса”ни шоир Комил Хоразмий нашрга тайёрлайди ва “Ҳайрат ул-аброр” достони китобига ўзи уч саҳифалик муқаддима ҳам ёзади⁴⁵. Маълумки, Комил Хоразмий XIX асрнинг иккинчи ярмида Хивада давом этган адабий ҳаракатда салмоқли ўрин эгаллаган шоирларидан бири ва талантли мусиқашунос, уста хаттот ва атоқли наққош ҳам эди. Ваҳоланки, Комил Хоразмий нашрнинг амалга ошишида матн сифатини тўлиқ кузатувга олган ва ишга масъулият билан ёндашган. Шунинг учун ҳам 640 саҳифалик бу “Хамса” асари нашри Навоий асарларининг Туркистонда босилган биринчи мукаммал тошбосма нусхаси ҳисобланади. Навоий асарларидан “Ҳазойин ул-маоний”нинг тошбосма нусхаси ҳам Комил Хоразмий томонидан тайёрланган. Бу нусха хусусида Р. Маҳмудова шундай ёзади: “1299/1881-82 йили чоп бўлган бу асар тўрт девондан иборат бўлиб, унинг матнлари Иброҳим Султон Эроний томонидан кўчирилган. Навоийнинг нашр этилган девонлари ичida энг мукаммаллари ана шу девонлар десак бўлади”⁴⁶.

Ўзбек матншунослиги ривожининг бу босқичи яна шу билан аҳамиятлики, бу даврда амалга оширилган ишлар кейинги матншунослик ишлари учун таянч манба бўлди. Жумладан, П.Шамсиев Алишер Навоий “Хамса” асари илмий-танқидий матнини тузишда олти асос қўлёзмадан ташқари асарнинг 1880 йилдаги Хива литографик нусхасига ҳам мурожаат этганлигини ёзади⁴⁷.

⁴⁵ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, тошбосма, инв. № 10363. 1-3-саҳифа.

⁴⁶ Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан // Адабий мерос, 1968. – № 1. – Б.101.

⁴⁷ Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. . – Т. : Фан, 1986. – Б.34.

Адабиётшунос ва хаттот Ашурали Зоҳирий томонидан Навоий асарларининг баъзилари нашрга тайёрланган. У Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Вақфия” асарлари устида изланишлар олиб боради ва бу асарларни тошбосма нашрга тайёрлайди. “Муҳокамат ул-луғатайн” асари Кўқонда Вайнер матбаасида 1336/1917 йили чоп этилади. Бу литографик нашр асарнинг тўлиқ матни эмас. Асар матнида хатоликлар ва эркин тузатишларга йўл қўйилган. Аммо кейинги “Муҳокамат ул-луғатайн” асари солишиштирма матнини яратишида матншунослар А. Усмонов ва П. Шамсиев бу нашрдан керакли ўринларда фойдаланишган⁴⁸. Матншунослар Париж (1841) нашрини асос сифатида олиб, Истанбул (1895) ва Кўқон (1917) литографик нашрлари билан солишишириб, уларда учраган хато, тушиб қолган ўринларни тўла равишида кўрсатишига ҳаракат қилишган. Сўз ва жумлалардаги фарқлар илмий аппаратда кўрсатилган.

Ашурали Зоҳирий томонидан тайёрланган “Вақфия” асарининг варианти нашр этилмаган. Асар қўлёзма матни ҳозир Кўқон Адабиёт музейида Ашурали Зоҳирийнинг шахсий архивида сақланмоқда⁴⁹. Бу қўлёzmани “Вақфия”нинг бугунги кундаги нашрлари билан солишишириб ўрганиш Ашурали Зоҳирий томонидан олиб борилган матншунослик ишлари даражасига аниқлик киритади.

6. Луғатлар ва уларнинг асар матнлари шарҳидаги ўрни

⁴⁸ Қаранг: Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Т.:Гослитиздат, 1940.

⁴⁹ Қаранг: Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Т. : Фан, 1991. – Б.42.

7-мавзу. XX аср ва мустақиллик даври ўзбек матншунослиги

XX аср бошларида Туркистонда матнни танқидий ўрганишга эътибор кучайди. Турли матбаа ёки қутубхоналарнинг ташкил қилиш муайян маънода ўзбек матншунослигининг янгича йўналишда ривожланишига сабаб бўлди. 1920 йилнинг март ойида Туркистон Марказий ижроия қўмитаси Туркистон давлат нашриётини (Туркдавнашр) таъсис этиш ҳақида қарор қабул қиласди. Унга ўлкадаги барча нашр ишларини бирлаштириш, қоғоз тақсимоти ва босмахона жиҳозларини назорат этиб, раҳбарлик қилиш вазифалари юкланди. Ушбу нашриётда босилиши мўлжалланган асарлар ўз таркибий тузилиши, шакл ва мазмуни билан Ғарб анъаналарини ўзида акс эттиришига алоҳида эътибор берилди.

Шу жараёнда ёзма ёдгорликларнинг ўрганилиши ва нашр қилишига боғлиқ масалаларга жадидларнинг катта қизиқиш билан қараганини кўриш мумкин. Улар жаҳон тамаддуни ютуқларининг тарғиботчилари бўлиш билан биргалиқда қадимий миллий ёзма адабий меросимизни бениҳоя қадрлагувчи, унинг фидойиси ва тадқиқотчиси ҳам эдилар. Бадиий асарларнинг муаллиф матнига эга бўлиш ёки муаллиф матнига яқин ишончли қадим ва тўғри кўлёзма нусхасини кўлга киритиш ҳар қандай олим ва фозил кишининг орзуси, идеали бўлган⁵⁰. XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг дастлабки йигирма йилида шахсий қутубхоналарнинг катта қисмини осори атиқага айланиб бораётган ўрта асрлар кўлёзма китоблари ташкил этарди⁵¹. Жумладан, Туркистон жадидчилик харакати етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий фан, санъат ва маданиятнинг ривожида ўтмиш маданий-маънавий ёдгорликларини ўрганиш, тарғиб этиш муҳим деб ҳисоблаган ва 1913 йили ўз хусусий нашриёти – “Нашриёти Беҳбудия”ни ташкил қилган эди. Айни вақтда Беҳбудий китоб дўконлари тармоғини ташкил этиш бўйича катта ишлар олиб борган. У Тошкент, Самарқанд,

⁵⁰ Қаранг: Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари // Шарқ юлдوزи. – 1982, 3-сон. – Б.167.

⁵¹ Қаранг: Охунжонов Э. Ватан қутубхоначилиги тарихи. 2-қисм. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Миллий қутубхонаси, 2008. – Б.23.

Бухоро, Андижон, Кўқон ва Наманганда китоб дўконлари очди⁵². Маърифатпарвар Беҳбудий ҳар бир нашр учун тайёрланаётган асар матнини жиддий текширган. Ҳатто у “Нашриёти Беҳбудия” учун баъзи асарларнинг матнини танқидий ўрганган, керакли жойларини таҳрир этган. Адабиётшунос олим А. Ҳайитметов ушбу давр ўзбек матншунослиги ривожланиши хусусида сўз юритар экан, шуларни ёзади: “Бизда матншуносликнинг тараққиёти матншунос олимлар номи билангина боғлиқ эмас. Биринчи манбалар устида илмий-тадқиқот олиб борувчи қўпгина адабиётшунослар асосий қасбига кўра матншунос бўлмаса ҳам, текстологик текшириш ишлари олиб боришга мажбур бўлган ва бу соҳада муҳим вазифаларни амалга ошириб, текстология ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар”⁵³. Олимнинг мазкур мулоҳазалари жадидлар фаолиятида тўлиқ тасдиқланди.

Вадуд Маҳмуд, Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдураҳмон Саъдий, Садриддин Айний, Ҳоди Зариф кабилар мумтоз адабиёт вакиллари меросини илмий муомалага киритиш ва халқни уларнинг ижодлари билан таништиришда катта вазифаларни бажардилар. Масалан, адабиётшунос, шоир, публицист Вадуд Маҳмудни тўла маънода матншунос дея олмаймиз. Лекин унинг илмий мақолалари, жумладан, “Навоийгача турк адабиёти”, “Алишер Навоий”, “Фузулий Бағдодий” каби ишларида қўлёзма ва тошбосма нусхалардан “мисқоллаб” йиққан фактлари Алишер Навоий ва Фузулий ҳаёти ва ижодини муҳтасар ёритиб беради”⁵⁴. Вадуд Маҳмуд XX асрдаги дастлабки ўзбек навоийшунослардан эди. У “Алишер Навоий” мақоласини қўлида мавжуд бўлган шоир асарларидан “Чор девон”, “Хамса”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг қўлёзма нусхалари асосида тайёрлаганини қайд этади⁵⁵.

⁵² Қаранг: Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. 2-қисм. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – Б.23.

⁵³ Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари // Шарқ ўлдузи. – 1982. – № 3. – Б.168.

⁵⁴ Баҳодир Карим. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Т. : Университет, 2000. – Б.65.

⁵⁵ Вадуд Маҳмуд. Алишер Навоий // Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007. – Б.35.

Айни шу даврдан бошлаб ўзбек матншунослиги тарихида илмий йўналиш шаклана бошлади. Жадид ижодкорлари ўзбек адабиёти намуналарини қиёсий таҳлил қилиш ишларини бошлаб бердилар. Гарчи уларнинг ишлари умумий таништирув йўсинида танқидий муносабатдан холи бўлса-да, ўзбек матншунослигини жаҳон матншунослиги ўзанига туширишга хизмат қилди. Оғзаки ва ёзма меросни ўрганиш, туркий халқларнинг ўтмиш маданиятини, рухиятини теран англаш жадидчилик гоясини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш мақсадидан келиб чиққан эди. Маърифатпарварларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларни қиёсий ўрганиш, илмий таҳлил қилиш ва нашр эттириш ишларига кенг эътибор беришлар матншунослик ривожида янги, том маънода илгариги босқичлардан ўзининг илмий йўналиши билан тубдан фарқ қилувчи янги босқичга ўтишга кўприк вазифасини бажарди.

Бу даврдаги муҳим ютуқлар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: Қозон университети қошидаги “Археология, тарих ва этнография жамияти” аъзоси сифатида 1913 йили Фарғонага қилган илмий сафарида шарқшунос олим Аҳмад Закий Валидий Тўғон Намангандаги Муҳаммадҷоҳи Эшон Лолореш қўлидаги “Қутадғу билиг”нинг нусхасини аниқлади. Бундан ташқари, Валидий Машҳаднинг “Равза” кутубхонасида ишлаш давомида X аср Мовароуннаҳр ва Булғор тарихи бўйича бениҳоя муҳим материаллар берувчи Ибн Фазлоннинг Бағдоддан Булғорга сафари таассуротларини акс эттирган “Рисола”сини топиб, илм аҳлига маълум қилди (1924)⁵⁶. Профессор Абдурауф Фитрат 1924 йили Муҳаммадҷоҳи Эшон Лолорещдан “Қутадғу билиг” асарининг мазкур нусхасини олишга муюссар бўлди ва маҳсус мақола ёзди, 1928 йили асарнинг айрим парчаларини зарур изоҳлар билан нашр этилди.

Серқирра олим Абдурауф Фитрат адабий танқидчилик, манбашунослик ва матншунослик соҳаси тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган шахсdir. Унинг илмий-танқидий мақолалари, нашр эттирган китоблари матншунослик

⁵⁶ Қосимов Б. Миллий Уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002. – Б.378.

ишлари билан бевосита боғлиқ. Хусусан, Фитрат ёзма ёдгорликларнинг нашрга тайёрланишига принципиал ёндашди. У бугунги кунгача ўз аҳамиятни йўқотмай келаётган “Энг эски турк адабиёти намуналари” (1927),⁵⁷ “Ўзбек адабиёти намуналари” (1928)⁵⁸ китоблари материалларини айнан қўлёзма манбалар асосида тайёрлади. Фитрат Навоий асарлари манбаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Унинг қўлёзма манбаларни нашрга тайёрлаш, хусусан, мумтоз шоирлар ижодидан намуналар жамлаб, чоп эттириш каби ишлари матншуносликка оид изланишлар олиб борганлигини кўрсатади.

“Ўзбек адабиёти намуналари” мумтоз адабиётимиз асарларини топиб нашрга тайёрлашда, уларнинг илмий-танқидий матнларини яратишда ҳамда бу адабий ёдгорликларни типологик жиҳатдан ўрганишда ҳам бирламчи адабий манба сифатида материал беради⁵⁹. Фитратнинг эълон қилган адабий парчалари матни кейинги илмий-танқидий матнларнинг тайёрланишида ёрдам бергани шубҳасиз. Жумладан, тадқиқотчи О.Ҳамроева Фитрат томонидан тайёрланган “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Наводир уш-шабоб” асарлари парчалари билан Алишер Навоий XX жилдлик мукаммал асарлари тўпламидаги асар матнини ўзаро солиштириб чиққан⁶⁰.

Фитратнинг матншунослик ривожидаги асосий ишларидан яна бири унинг соф текстологик тадқиқотларида кўринади. Жумладан, у “Навоийнинг форсий шоирлиғи” мақоласида “Девони Фоний”нинг Бухорода топилган нусхасини бадиий ҳамда услубий жиҳатдан текширади ва унинг Навоий қаламига мансуб эмаслигини аниқлайди. Олим “Девонайи Машраб” асари қўлёзма нусхаларини чукур илмий тадқиқ доирасида ўрганиб чиқади.

⁵⁷ Энг эски турк адабиёти намуналари. Тузувчи Фитрат. ЎзР ФА ШИ, тошбосма, инв. № 16507.

⁵⁸ Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд. Тузувчи Фитрат. ЎзР ФА ШИ, тошбосма, инв. № 15146, 12639.

⁵⁹ Қаранг: Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси.: Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Т., 1996. – Б.156.

⁶⁰ Қаранг: Ҳамроева О. Абдурауф Фитрат “Муҳокамат ул-луғатайн” асари тўғрисида // Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2011. – Б.179; Ўша муаллиф. Фитрат мажмуасида Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидан парчалар. Буюк шоир ва мутафаккир.– Т.: ТДПУ, 2011.–Б.92–94.

Мавжуд нусхалар матнини ўзаро қиёсий солиширади. Матн билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоли ҳолатларни шундай кўрсатади: “Девонайи Машраб” манқабасида вазн, қофия ва мазмун томонларидан тамом бузилған бемаза нарсалар ҳам жуда кўбдир. Буларни шул бузук ҳолларда юқоридан бери услуби билан таниша келганимиз Машрабнинг шеърлари деб қабул қила олмаймиз, албатта. Булар ё ёмон котиблар томонидан бузила-бузила биз кўрган шаклга кирганлар ёхуд манқабани ёзган ва ўқиған бир кўб яrim шоирлар томонидан сўнгралар илова қилинған парчалардир”⁶¹.

Фитрат мумтоз адабиётимизнинг Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солих, Машраб, Турди каби вакиллари ижодини энг қадимги нодир қўлёзма асарларга асосланиб ўрганиб чиқди⁶².

Абдурауф Фитрат матншунослик масалаларига жуда катта эътибор қаратди, матнларни қиёсий ўрганишга ҳаракат қилди. У ўзининг “Қутадғу билиг” ҳақидаги мақоласида куюнчаклик билан шундай ёзади: “Русиянинг машхур туркшуносларидан профессёр Самойлович Москвада мен билан кўришганида “Девону луғатит турк”дан фойдаланиб, “Қутадғу билиг”нинг янги бир босмасини (табъини) тайёрлағанини билдирган эди. Шуни бизнинг қўлимиздағи нусха билан солиширгандан сўнг бостиrsa эди, профессёр жанобларининг бу хизматининг илмий баҳоси жуда ортқон бўлар эди”⁶³. Бу жумлалардан маълум бўладики, XX аср бошларида ёк ўзбек матншунослари рус матншунослари ишларига танқидий баҳо бера оладиган даражада билимли ва ўз қарашларида событқадам олимлар бўлганлар. Ушбу ҳолат барча соҳаларнинг назарий жиҳатларини, жумладан, матншуносликда ҳам асосчиликка даъво қилган рус олимлари билан teng рақобатлаша оладиган ўзбек олимлари етишиб чиққанидан далолат беради. Фитратнинг қуйидаги таҳлилларидан ҳам буни яққол англаш мумкин: “Қутадғу билиг”нинг илм дунёсида маълум бўлған нусхаларида бошда бир сочим бошланғич (наср

⁶¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.101.

⁶² Қаранг: Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Т.: ЎзМУ, 2003. – Б.109.

⁶³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Т. : Маънавият, 2000. – Б.16.

билин ёзилған бир муқаддима), ондин сўнгра китобдаги “боб”ларни кўрсаткичи – бир феҳрист, ондин кейин китобнинг “назм” қисми борлиғи маълумдир. Бизнинг қўлимиздағи нусхада эса “сочим-бошланғич”нинг кўбреки тушкан. Озғинаси қолғандир. “Феҳрист” қисмида китобнинг олтмиш етти боби кўрсатилган. Бу олтмиш етти бобдан ёлгуз бешинчи бобнинг исми тушуб қолған. “Сочим – бошланғич”нинг китоб эгаси томонидан эмас, бошқа бир киши томонидан ёзилганини Оврупа олимлари бир оғиздан сўйлайдир. Меним фикримча, бизнинг қўлимиздаги нусханинг “феҳрист” қисми ҳам китоб эгаси томонидан ёзилмаған. Чунки “феҳрист”да кўрсатилган “боб” исмлари билан матндаги “боб” исмлари орасида анча айирма борлиги кўрунадир⁶⁴. Шундай дея олим ўз фикрларини далиллаш учун феҳрист ва матндан қиёсий 3–4та солиштирма мисолларни келтиради. Олим Европа олимлари билан баҳс-мунозараға киришади. Бу эса бизнинг ўзбек олимлари матншунослик бобида факат рус олимлари эмас, балки Европа олимлари билан тенг билимга эга бўлишганини кўрсатади. Айни ўша мунозара натижасида “Кутадғу билиг” асарининг энг қадимги ва ишончли нусхаси деб илмда Абдурауф Фитрат муомалага олиб чиққан Наманган нусхаси эътироф этилган.

Жадидларнинг кўпчилиги яхшигина хаттот бўлиб, кўплаб қўлёзмалардан нусхалар қўчирганлар. Масалан, шоир Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий Васлий Самарқандийнинг “Ал-калом ул-афҳам фи маноқиби имоми ул-Аъзам” китобини кўчиргани маълум⁶⁵.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан илмийлик бош мезонга айланган ўзбек адабиётшунослиги алоҳида соҳа сифатида шаклана бошлади. Адабиёт тарихи тадқиқотчилари мунтазам равишда классикларимизнинг ҳаёти, ижодига бағишлиланган мақолалар эълон қилиш билан бирга, уларнинг асарларини чоп эттир-иш, оммалаштиришга жиддий киришдилар. Ўзбек матншунослиги соҳаси филология фанининг асосий ва муҳим тармоқларидан

⁶⁴ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.14.

⁶⁵ Қосимов Б. Миллий Уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002. – Б.339.

бирига айланиб, ёзма ёдгорликларнинг асл матнини тиклаш ҳамда уларни нашр қилиш асосий вазифа бўлди.

Ўзбек матншунослиги XX асрнинг 40-йилларида илмий йўналиш сифатида чинакам ривожланиш йўлига кирди. Алишер Навоий ижодига бўлган катта эътибор ўзбек матншунослигининг ёрқин намоянадаларини майдонга келтирди. Турли мамлакат кутубхоналари ва айрим шахслар қўлида сақланиб келаётган шоир асарлари қўлёзмалари рўйхатини тузиш, уларнинг нодир нусхаларини аниқлаш, мавжуд барча манбаларни тавсиф қилиш соҳасида муҳим илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Натижада Алишер Навоийнинг деярли ҳамма асарлари қўлёзмалари рўйхати тузилди ва уларнинг ёзилиш саналари аниқланди. Ушбу изланишлар В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Семёнов, А.Саъдий, С.Волин, О.Шарафуддинов, Огоҳ Сирри Левенд, Ч.Ръё, Э.Блошэ, В.Минорский, Э.Росси, Фаҳми Ҳаратай, Ҳ.Сулаймон, М.Ҳакимов каби матншунос олимларнинг таҳсинга сазовор хизматлари туфайли бажарилди.

Маълумки, Алишер Навоийнинг 500 йиллик таваллудини ўтказиш муносабати билан тузилган Навоий комитети қошида матншунослик комиссияси ташкил этилган эди. Ушбу матншунослик комиссияси фақат Алишер Навоий асарларини халққа етказишга эмас, балки ўзбек матншунослиги соҳасининг такомиллашувига ҳам катта таъсир қўрсатди. Бу комиссия раҳбарлигидаги Алишер Навоий асарларининг йиғма матни, насрий баёни, танланма нусхаси каби нашрлари тайёрланиши бевосита матншуносликнинг илмий-назарий ривожланишига олиб келди. Хусусан, матншунослик комиссияси ишини бошқарган Солих Муталлибов томонидан шоир асарларидан бир нечаси нашрга тайёрланди⁶⁶. С.Муталлибов илмий фаолиятида Навоий ижоди муҳим ўрин тутди. Навоий яратган ҳикматли сўз ва ибораларнинг маъносини англаш, уларни китобхонларга етказиш

⁶⁶ Қаранг: Каримов Қ. Забардаст турколог // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1987, – № 5. – Б.65.

борасидаги дастлабки иш ҳам С.Муталлибов томонидан бажарилди⁶⁷. С.Муталлибов шоир ҳикматларини матбуот орқали оммалаштириш мақсадида уларни эълон қилиб борди⁶⁸.

Матншунослик комиссияси ташабbusи билан Алишер Навоий асарлари йиғма-қиёсий матн шакли тайёрланди. Йиғма-қиёсий матн шакли нашрида асосий нусхалар орасидаги фарқларни кўрсатувчи илмий аппаратни тузиб чиқиши йўлга қўйилди. Бу жиҳатдан 1940 йили Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари йиғма-қиёсий матн шакли ва унинг илмий аппарати тайёрлангани диққатга лойиқдир. Ушбу асар О.Усмонов ва П.Шамсиеv томонидан тайёрланиб, лотин алифбосида кенг оммага мўлжалланиб нашр этилди⁶⁹. Асар матни Париж (1841), Истанбул (1895) ва Қўқонда (1917) нашр қилинган китоблар асосида тузилиб, Париж нашри таянч нусха сифатида олинди. Бошқа икки нусхадаги фарқли ўринлар илмий аппаратда қайд этиб борилди. Нашр илмий аппарати унчалик катта бўлмаса-да, шоир асарлари матнини тузишда илмий ёндашувнинг дастлабки намуналаридан бири бўлғанлиги билан аҳамиятлидир. Бу нашр Навоий асарлари илмий-танқидий матнини тузиш йўлидаги биринчи ҳаракат ва шоир асарларини муаллиф таҳририга яқинлаштириш йўлида олға қўйилган қадам эди⁷⁰.

Матншуносликнинг бу босқичида Навоий асарлари матнининг насрый баёнлари билан бирга нашрга тайёрлангани муҳим ҳисобланади. Шоирнинг “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Маҳбуб ул-кулуб”, “Фарҳод ва Ширин” каби асарлари насрый баёни билан нашр этилди. Гарчи бу нашрлар тошбосма нусхалар асосида тайёрланган бўлса-да, матншунослик комиссияси асар матнини назоратга олган, уларнинг мукаммал бўлишини таъминлаган. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достони матни ва насрый

⁶⁷ Қаранг: Ҳакимов М. Навоий ҳикматларининг ўзбек халқ донишмандлигини бойитишдаги роли // Адабий мерос. – 1977. – № 8. – Б.63.

⁶⁸ Қаранг: Муталлибов С. Навоий яратган ҳикматли сўз ва иборалардан баъзи намуналар//Адабий мерос, 1977, –№ 6–7–8; Ўша муаллиф. Навоий яратган ижтимоий сўз ва иборалар//Адабий мерос.–1980.– № 4(16)–Б. 22–33.

⁶⁹ Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Т.:Гослитиздат, 1940.

⁷⁰ Қаранг: Эшонхўжаев Ш. Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнлари//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1968, – № 9. – Б.43.

баёнини тайёрлашда Ғафур Ғулом 1901 йили Шоҳмурод котиб томонидан кўчирилиб, Тошкентда Порцев матбаасида босилган нусха ва ундан ташқари ўз қўлида мавжуд бўлган қўлёзмаларга мурожаат этган. Ғафур Ғулом “Фарҳод ва Ширин” достони матни ва ўзи яратган насрй баён хусусида шундай ёзади: “Мен босмага тайёрлаб бўлгандан сўнг, Навоий юбилейи комитетининг матншунослик комиссияси бу асарни Ўзбекистон давлат халқ кутубхонасида сакланган қадим нусхалар билан солиштириб, текшириб чиқди. Мен асосланиб тайёрлаган нусхалардаги камчиликларни топиб, уни тўлатди”⁷¹.

Ўзбек матншунослиги ривожидаги яна бир муҳим ҳодиса асар матни танланма нусхасининг тайёрланиши бўлди. Уни 1940 йили Садриддин Айний тушиб чиқди⁷². Садриддин Айний нашр хусусида шундай ёзади: “Алишер Навоийнинг “Хамса”сида 50 минг мисрадан ортиқ шеър бор. Кенг ўқувчилар оммаси учун уни бир бутун ҳолда тезда эгаллаб олиш анча оғир бўлади. Шунинг учун мен бу қийинчиликларни назарга олиб, Навоий юбилей комитетининг топшириғи билан қўлингиздаги бу танланма нусхани вужудга келтирдим. Бу нусхани тартибга солишда ҳар бир достон ва бўлимлардан характерли бўлган парча ва мисраларни териб олдим. Аммо ҳар бир достон ва бобларнинг айрим ташланган парча ва мисраларнинг мазмунини баён қилдим. Санъаткорона ишланган, лекин у санъат оддий ўқувчиларнинг кўзига илинмай қоладиган, тушуниши қийинроқ бўлган мисра ва байтларни, шунингдек, Навоийнинг шахсий ҳаётига, ёки замондошларига оид бўлган жойларни изоҳлаб ўтдим. Баъзи парча ва ҳикояларнинг тузилишлари, улардаги қаҳрамонлар тўғрисидаги ўз фикримни ҳам бет остида баён қилдим”⁷³. А.Хайитметов таъкидлаганидек, С.Айний “Хамса” достонлари матнларини изоҳлаш, уларга луғатлар тузиш, улардаги шеърий санъатларни

⁷¹ Ғафур Ғулом. Босмага тайёрловчиidan//Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин.–Т.:Давлат нашиёти, 1956.– Б.23.

⁷² Навоий Алишер. Хамса//Қисқартириб нашрга тайёрловчи Садриддин Айний. Масъул муҳаррир П.Шамсиев. –Т.: Ўқувпеднашр, 1940.

⁷³ Айний Садриддин. Алишер Навоий. Хамса. –Т.: Ўқувпеднашр, 1940. – Б.10 – 11.

ўрганиш, тушунилиши қийин бўлган байтларни соддалаштириб бериш каби масалалар устида кўп илмий изланишларни олиб борди⁷⁴. Садриддин Айний бу катта ва масъулиятли иш жараёнида “Хамса” достонлари мазмуни, сюжетини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. У образлар характерини гавдалантириб кўрсатувчи, уларнинг орзу-интилишларини ифодалангандарларни айнан сақлаб қолади. Садриддин Айний томонидан қўлланган бу усул халқ оғзаки ижоди достонларида лиро-эпик шаклни хотирга келтиради. Чунки “Хамса” таркибидаги достонлар назму наср қоришимасида берилган. “Хамса” ҳошияларида Садриддин Айний томонидан келтирган ва буюк шоир бадиий маҳоратини очишга хизмат қиласиган изоҳлар чуқур илмийлиги билан ҳам диққатга моликдир.

Ўтган асрнинг 50 – 60-йилларида қўлёзма манбаларни ўрганиш ва нашрга тайёрлаш давр сиёсий талаби ҳам эди. 1957 йили Тошкентда шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи конференцияси ўтказилди. Шу конференцияда иштирок этган давлат раҳбари Н.А.Мухиддиновнинг нутқида шундай сўзларни ўқиймиз: “Афсуски, биз ўрта аср Шарқининг кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари асарларини жуда секин нашр этмоқдамиз. Республика хукуматининг Алишер Навоий асарларининг тўла тўпламини нашр этиш тўғрисидаги қарори суст бажарилмоқда”⁷⁵. Бу даврда факат Навоий асарлари эмас, балки кўплаб мумтоз адабиёт вакиллари асарларини нашр қилишга эътибор кучайди. Шунинг учун баъзи асарлар мукаммал ўрганилди, баъзилари эса тўла тадқиқ этилмаса-да, илмий-оммабоп шаклда халқимизга етказилди. Масалан, 1959 йили “Ўзбек адабиёти” (хрестоматия ўрнида) 4 жилдлик китоби нашри ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги ўқилмаган саҳифаларни ўқиш, ҳаёти ва ижоди ўрганилмай қолган ижодкорларни кашф этиб, уларнинг асарлари нусхаларини аниқлашга ёрдам берадиган муҳим манба бўлди. Бу китобда

⁷⁴ Қаранг: Ҳайитметов А. Забардаст навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – № 5. – Б.19.

⁷⁵ Мухиддинов Н. А. Совет шарқшунослигининг янги муваффақиятлари сари // Тошкент шаҳрида шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи конференциясида сўзлаган нутқи. – Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони сурх” бирлашган нашриёти, 1957. – Б. 35.

асосан йифилган янги материаллар эълон қилинди, шоирлар ижодини ёритища асосий жиҳатлар белгиланди.

Бу даврга хос жиҳатлардан бири шунда кўринадики, Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш соҳасида катта амалий фаолияти олиб борилди. Жумладан, С.Муталлибов 1944 йили “Хайрат ул-аброр”нинг танқидий матни” мавзуида номзодлик, 1952 йили П. Шамсиев “Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-танқидий матни ва уни тузиш принциплари” номли номзодлик, 1970 йили “Алишер Навоийнинг “Хамса”сининг илмий-танқидий тексти ва уни тайёrlаш принциплари” номли докторлик, Ҳ.Сулаймонов 1961 йили “Алишер Навоий лирикасининг текстологик ўрганилиши” номли докторлик, С.Ғаниева 1956 йили “Мажолис ун-нафоис”нинг III ва IV мажлислари илмий-танқидий матни ва адабий таҳлили” мавзуида номзодлик, Л.Халилов 1975 йили “Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарининг текстологик тадқиқи” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Навоий асарлари нашри ўзбек матншунослиги илмий-назарий тараққиётининг энг юқори босқичини бошлаб берди. Ўзбек матншунослик мактаби яратган текстологик принциплар кейинги тадқиқотларнинг такомиллашувига замин яратди. Матншуносликнинг ушбу ривожланиш босқичида илмий-танқидий матн тайёrlашнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилди.

II. БЎЛИМ. МАТН ТАРИХИ

8. Қўлёзма манбалар: матн тарихи.

Матншуносликнинг асосий услугбий принципи матн тарихини комплекс равища ўрганишдир. Бунда матндаги давр руҳи излари, мақсадли равища ёки тасодифий киритилган ўзгаришлар ҳам, кейинги даврларда юз берган нашрий сакталиклар ҳам назардан қочирилмайди. Шу жараёнда матншунослик тарихий-адабий, сиёсий-жўғрофий ва майший характердаги турли масалаларни ҳам ўрганади. Шундан келиб чиқиб, матншунослик барча илмий соҳалар обьектига дахлдор дейиш мумкин. Адабиёт тарихи ўрганадиган барча масалалар матншуносликда ҳисобга олинади, бироқ унинг вазифаси аниқ. У матн тақдирини ёритади, матндаги ўзгариш хусусиятлари, сабаблари ва босқичларини ойдинлаштиради. Д. Лихачев матншуносликни матнларни нашр этиш жараёнидан ажратиб қарайди⁷⁶. Бу унинг рус полиграфик нашрлари, охирги икки-уч асрлик тарихга эга бўлган матнлар юзасидан олиб борган тадқиқотлари натижасида чиқарган хулосаси – “текстология асосида факат матн тарихини ўрганиш ётади” деган тезисдан келиб чиқади. Ўзбек матншунослиги тарихини ўрганиш жараёнида биз бу тезис ўзини оқламаслигини кўрдик. Зоро, асрлар давомида ўзбек матншунослярининг заҳматли меҳнати асарнинг қўлёзма нусхасини яратища намоён бўлган. Нашр тушунчasi қадимги қўлёзмаларни кўчириш ва тарқатиш каби анъанавий хаттотлик ва котиблик қасбига дахлдор бўлгани учун матншунослик айни ноширлик, қўлёzmани кўчириш ва тарқатиш каби жараёнларга тааллуқлидир. Ўзбек матншунослигининг рус матншунослигидан яна бир фарқи шундаки, турли ёзувларда акс этган миллий ёзма маданиятимизни бугунги кунда оммавийлаштириш ҳам адабиётшуносляrimизни нашр типларидан келиб чиқсан ҳолда муайян даражада матншунослик билан боғлиқ вазифаларни бажаришга ун DAGАН. Бу ҳақда ўз ўрнида сўз юритилади.

⁷⁶ Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. – М. – Л.: Наука, 1964. – С.7.

Матн тарихини тиклашнинг халқимиз маънавий ҳаёти тарихидаги ўрни бекиёс. Зеро, қадимий қўлёзма китоб матнлари давр руҳини акс эттиради. Уларни жиддий ўрганиш муаллифнинг дунёқараши, воқеликка муносабати, давр илм-фани даражаси ва сиёсий жараёнлари ҳақида муайян тасаввур бериши мумкин.

Матншунос олдида турган бош вазифалардан бири – матн тарихини тиклаш, тадқиқ доирасига жалб этилган манбанинг турли нусхаларини қиёсан ўрганиш, тадқиқ этиш, улар асосида матннинг асосий вариантини яратиш ва илмий муомалага киритишdir.

Матн тарихи муайян матн ҳақидағи барча маълумотлар йиғиндисидир. У асарнинг шакл ва мазмуни ҳақида аниқ тасаввур беради, матнга оид билвосита ва бевосита маълумотларнинг барчасини қамраб олади.

Матн тарихини ўрганишда тарихий ёки адабий ёдгорликнинг яратилган ва кўчирилган даврини аниқлаш, манба нусхалари кўп бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ёдгорликлар матни устида текстологик тадқиқотлар олиб боришдан аввал шу ёдгорликнинг мавжуд барча қўлёзмаларини йиғиш, кўчирилиш даври, матний тўлиқлигига қараб таснифлаш ва шундан кейингина унинг тарихини кузатиш лозим. Чунки ҳар бир қўлёзма биринчи навбатда ўз даврининг тарихий ёдгорлиги сифатида ўзигагина хос бўлган муайян тарихга эга⁷⁷.

Матн тарихини ўрганиш қўлёзма нусханинг мавжуд нусхаларини ўзаро қиёсий текширишдан бошланади. Матнлар **тўлиқ, нуқсонли, тузатилган** (редакцияга учраган) ёки **тугатилмаган** кўринишларда учрайди. Қўлёзма нусхаларда унинг тарихи бевосита қайд этилган ёки билвосита аниқланадиган белгилар ёрдамида тикланади. Бевосита белгиларга қўлёзма асарнинг яратилиш ва кўчирилиш саналари, муаллиф ва унинг асарни ёзиш мақсади ифодаланган сўзбоиси, котиб номи ёки унинг қайдлари каби матншунослик учун катта аҳамиятга эга бўлган тавсифий мезонлар киради. Билвосита белгиларга ушбу асар ва унинг муаллифи ҳақида турли асарлар, хусусан, тазкираларда берилган маълумотлар, шунингдек, қўлёзма нусхаларни қиёслаш натижасида олинадиган текстологик натижалар киради.

⁷⁷Мавжуда Шокир қизи Ҳамидова. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: филол.фанлари докт.... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.37.

9-мавзу. Матншуносликнинг тадқиқ үсуллари

Рус матншунослигига тадқиқ үсуллари биринчи марта Д. Лихачевнинг “Текстология” қисқача очеркида учрайди⁷⁸. Ўзбек матншунослигига уларнинг ҳаммасини ҳам татбиқ этиб бўлмайди. Бироқ ўзбек матншунослари қўллаган қўйидаги тадқиқ үсуллари ҳақида гапириш мумкин:

1. *Матний тафовутларни таҳлил қилиши усули.* Матний тафовутларни таҳлил этиш “асл” ёки “дастлабки” матнни тиклаш йўлида ўтилиши шарт бўлган бўғиндир. Матншунос матн тарихидаги барча даврий ўзгаришларни кузатиб, уларнинг содир бўлиш сабабларини аниқлаши жуда муҳим. Таҳлил оддий фарқларни ўрганишдан бошланиб, охирида умумлаштирувчи хуносаларга келиш билан тугайди. Фарқлар қўлёзма нусхалари орасида, хронологик тартибда, макон ва ҳудуд тартибida гурухлаштирилган ҳолда қиёсланади. Матний тафовутлар хаттот ва котиблар томонидан сўзни нотўғри ўқиш сабабли, шунингдек, муаллиф ёки котиб томонидан онгли равиша қилинган таҳрир туфайли пайдо бўлган бўлиши мумкин. Матншунос фарқларнинг сабабини аниқ белгилаши лозим. Шундагина матн тарихи объектив қўриниш касб этиши мумкин.

2. *Асосий матн тузиши усули.* Асосий матн тузиш матншунослик тадқиқ үсулларини комплекс равиша ишга туширишни тақозо этади. Асосий матн тузиш, бу – муаллифнинг асл, бирламчи матнини тиклаш эмас. Муаллиф матнининг асл ҳолатини тиклаш деярли мумкин эмас. Матншунос фақат матннинг муаллиф вариантига яқин қўринишини тузиши мумкин. Асосий матн дейилганда, матншунос томонидан нашр учун тузиладиган қўлёзма асарнинг сўнгги варианти назарда тутилади.

3. *Кўчиришдаги хатоликларни таҳлил қилиши усули.* Қўлёзма нусхани кўчириш жараёни тўрт ҳаракат мажмуидан иборат бўлиб, танланган матнни ўқиш, матнни эслаб кўчириш, ичида такрорлаб кўчириш ва, ниҳоят, матнни

⁷⁸ Лихачев Д. С. Текстология. Краткий очерк. –М.- Л.: Наука, 1964. – С.23–65.

тушуниб-тушунмай кўчиришни ўз ичига олади. Кўчириш жараёнида кўплаб хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Бунга сабаб, котиб аслият хуснихати хусусиятларини яхши тушуна олмаган бўлиши мумкин. Матншунос қўлёзма нусхадаги хаттолар услубини диққат билан ўрганиши, ҳарфларнинг “бежирим тасвирлари” ўртасидаги боғлиқликка, уларнинг ўзига хос безак-унсурларига эътибор бериб, хатолик нима сабабдан содир бўлганини аниқлаши лозим. Баъзи ҳолларда, хаттолар сўзни ўқий олмасалар, контекстдан келиб чиқиб, ўзларича матнни тузатиб ёки тўлдириб кетганлар. Матншунос томонидан холис аниқланган хато қиёсий таҳлил орқали асосий матнда тузатиб борилади.

4. Муаллиф матни хатоликларини аниқлаши усули. Айрим ижодкорлар ўз асарларини кўчира туриб, хаттолар фаолиятида кўринган хатоликларга йўл қўйишлари мумкин. Масалан, айрим ҳарфларнинг тушиб қолиши, саналарнинг нотўғри белгиланиши, сарлавҳа ёки айрим жумлаларнинг қисқариши механик тарзда рўй бериши мумкин. Хатонинг муаллиф томонидан онгли равишда қилинмаганлигини аниқлаш муаллифнинг ғоявий позицияси таҳлили, илмий-бадиий иқтидори, матн мазмунига талабчанлиги даражасини ўрганиш орқали амалга оширилади.

5. Матнни онгли равишда ўзгартириши ҳолларини таҳлил қилиши усули. Матн қасддан ёки беихтиёр ўзгартирилганини фарқлаш мураккаб таҳлилий жараённи талаб қиласи. Матн ўзгартирилган ҳоллар хаттот ёки котибнинг “ўта билагонлиги”, шундай бўлиши керак эди ёки бўлган бўлиши мумкин, деган иддаода матнни тузатиб кетиши натижасида юз беради. Матншунос, аввало, манбаларнинг хронологик ёшига қараб фарқлар динамикасини тузиб чиқиши лозим. Ўшанда ўзгартириш манба “тақдири”нинг қайси босқичида юз бергани маълум бўлади. Шундан сўнг манбанинг қўчирилиш санаси, даври ва ҳудуди, даврнинг устун ғоявий, сиёсий йўналишлари ўрганилади. Ушбу таҳлиллар ўзгартириш қасддан ёки беихтиёр қилингандигини аниқлаб беради.

6. *Қўлёзма тавсифини амалга ошириши усули.* Матн устида ишлаш қўлёzmанинг ташқи белгиларини ўрганишдан бошланади. Шарқ китобат санъати ўзининг қатъий принципларига асосланади. Масалан, ҳар бир асарнинг «бисмилло»дан бошланиши (басмала), сўнг Оллоҳнинг мадҳи (ҳамд, тамҳид) ва Муҳаммад (с.а.в.) таърифи (наът), шундан кейин асарнинг ёзилиш сабаби (сабаби таълифи китоб) қайди китобат қилинишда ташлаб кетилиши мумкин бўлмаган асосий принциплардандир. Қўлёzmанинг тавсифий белгилари қўйидагиларни ўз ичига олади: **Матн** – китобнинг асосий қисми бўлиб, унга айрим ҳошия ёзувлари, жадвал, пойгиrlар кирмайди. **Ички унвон** – тузилиши мураккаб китобларда улар баъзан бошқа (масалан, қизил) сиёҳ билан, баъзан қалин ҳарфлар (жумладан, насрий асарларда), баъзан ҳозиргидек саҳифа ўртасида берилади. **Жадвал** – саҳифада асосий матнни жойлаштириш принципи (матн рамкаси). Матнлар турли шаклларда – сидирға, икки устун, тўрт устун, зина, ромб, доира, қия ҳолда жойлаштирилиши мумкин. Бу муайян даражада безак вазифасини ўтаб, шеърий матнларда, айниқса, кўп қўлланилган. **Ҳошия** – саҳифа четлари. Жадвал (матн рамкаси)дан ташқарида изоҳ бериш, параллел равишда бошқа бир асар матнини жойлаштириш, матн бўлгадаги фикрни тасдиқлаш ёки тўлдириш учун иловалар келтиришга хизмат қиласи. **Пойгиr** – ўзидан кейинги саҳифанинг шу сўз билан бошланишини билдириб келувчи сўз бўлиб, ўнг саҳифанинг энг остига, чап томонга жойлаштирилади (пойгиr саҳифалар кетма-кетлигини белгилаш учун бет рақамлари ўрнига ишлатилади). **Колофон** – котибнинг қўлёзма сўнгида келтирадиган маълумотномаси. Унда котиб номи, қўлёzmанинг кўчирилиш санаси ва котиб мулоҳазалари берилади. Қўлёзма формати, унда ишлатилган хат тури, қоғоз тури, турли безаклар ҳам қўлёzmанинг тавсифини келтиришда муҳим аҳамият касб этади.

7. *Конъектура йўли билан матнни тиклаш усули.* Конъектура деганда матн контекстидан келиб чиқиб матндаги хато ёзилган ўринлар ёки ўқиб бўлмас даражада ўчиб кетган сўз ва жумлаларни тиклаш тушунилади.

Конъектура фақат беихтиёр равища ёки эътиборсизлик туфайли йўл қўйилган хатоларни тузатишга нисбатан қўлланади.

8. *Кўшимчалар ва тушириб қолдиришларни аниқлаш усули.* Манбалар қиёсий ўрганилганда, кўпинча, бир нусхадаги муайян матн бўлаги иккинчи нусхада тушиб қолган бўлади. У чиндан тушиб қолганми ёки аксинча биринчи манбадагиси қўшилиб қолганми, бу ҳар иккала манбани жиддий текширишдан ўтказишни талаб қиласи. Ушбу тадқик усули ҳар иккала манбанинг ўз “қиёфадош”ларини тўплашдан бошланади. Икки гуруҳ манбаларини ўрганиш асосида энг қадимиёси аниқланади, сўнг ўзгаришга учраган манба давригача қўчирилган манбалардаги ҳолат ўрганилади. Ўзгаришга учраган нисбатан қадимиюроқ манба учраган тақдирда, унинг тавсифий, даврий ва ҳудудий белгиларини ўрганиш орқали ўзгариш бўйича хulosha чиқарилади.

9. *Глосс ва интерполяциялар таҳлили.* Кўлёзма нусхаларнинг ҳошияларида учрайдиган изоҳлар, тўлдиришлар, конкретлаштирувчи мулоҳазалар, бошқа манбаларга ҳаволалар, Қуръони карим оятлари ёки ҳадислардан шу муносабат билан келтирилган мисоллар матншуносликда глосс деб аталади. Улар асосий матндан алоҳида бўлиб, умумий мазмунни тўлдиришга хизмат қиласи. Замонавий матншуносликда изоҳлар номи остида келтириладиган барча маълумотлар глоссга тааллуқлидир. Қадими манбаларда уларни саҳифадаги асосий матн ҳошиясида ёзиш расм бўлган. Аммо қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнларида айрим хаттотлар ҳошиядаги битикларни асосий матнга қўшиб юборган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай ўзбошимча таҳрир интерполяция дейилади. Интерполяцияни асосий матндан ажратса олиш матншунос олдида турган мураккаб вазифалардандир. Матншунос асосий матннинг ўзига хос услуби ва структурасини жиддий ўрганиш орқали интерполяцияни аниқлаши мумкин. Шунингдек, қўлёзма матнининг илгари ўчиб кетиши, йиртилиши натижасида маъно мавҳумлигига сабаб бўлган ўринларини ва айни шу нусхадан кўчирилган кейинги

нусхалардаги матн бўлакларини қиёслаш орқали интерполяцияни ажратиб олиш мумкин.

10. *Кўлёзма нусхалар ўртасидаги фарқлар таҳлили.* Матншунос қўлёзма асар нусхалари устида ишлар экан, уларнинг қайси матндан кўчирилганлигини аниқлаши нусхалар ўртасидаги фарқларнинг пайдо бўлиш сабабларини ойдинлаштиради. Бу жараёнда нусхалардаги матний ўзгаришлар хронологик тартибда гурухлаштирилади ва энг қадимий нусхалар билан солиштирилади. Ушбу таҳлил натижасида асарнинг дастлабки варианти ҳақида муайян тасаввурга келинади.

11. *Нусхалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш усули.* Кўлёзма ва тошбосма усулларида чоп этилган асарлар ўрганилаётганида муайян асарнинг қайси матн асосида кўчирилганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ўрганилаётган асар асл нусха ёки ягона копия сифатида етиб келган бўлса, табиийки, ушбу усул қўлланмайди. Бироқ асл нусха ҳам, кўплаб копия нусхалар ҳам мавжуд бўлган тақдирда матн тарихини ёритиш нуқтаи назаридан, шунингдек, нусхаларнинг жўғрофий-ҳудудий ва даврий жиҳатдан кўп ёки кам кўчирилганлиги, сифат даражасига қараб ўша даврлардаги адабий жараёнлар ва мазкур асарга бўлган муносабат аниқланади.

12. *Матнларни классификация қилиши (таснифлаш) усули.* Матнлар жанр ва нашр турлари бўйича таснифланади. Жанр турларига адабий (девон, достон-маснавий, қасида ва шу кабилар), тарихий (тарих-йилномалар, тазкира-эсдалик, маноқиб, вақфия ва шу кабилар), ёзишмалар (мактубот, руқъаот, муншаот ва шу кабилар), диний (тафсир, таъвил, фикҳ, калом, тасаввуф ва шу кабилар), фан соҳаларига бағишлиланган матнлар киради. Турли тўпламлар, монографик рисолалар, мажмуалар, баёзлар шаклида кўчирилган ёки тошбосма усулида чоп этилган асарлар нашр турлари бўйича таснифланади. Таснифлаш матншунос учун муҳим аҳамиятга эга. Зоро, тадқиқ этилаётган матн турли жанр ва нашр турларига хос белгиларга эга бўлиши мумкин. Масалан, тазкираларда биографик маълумотлар билан бирга

шеърлардан парчалар, хатлардан намуналар ёки тарихий лавҳалар қоришиқ келади. Девонлар эса, муайян структурага эга бўлиб, бу тартиб бузилиши унинг мажмуага айланиб қолишига олиб келади. Баёзлар тазкиралар каби тўплам-антологиялар характерида бўлса-да, уларнинг таркибини шоирлар ижодларидан намуналар ташкил этади.

13. Текстологик белгиларни аниқлаш усули. Кўлёзма асарлар ўз кўчирилиш тарихининг муайян босқичларида бошқа ном остида кўчирилиши ҳам мумкин. Асарнинг халқ орасида машҳур бўлган номи ёки шу жанр гуруҳига киравчи атамалар бунга сабаб бўлади (масалан, “Хидоя”, “Мухтасар”, “Виқоя” ёки “Хазойин ул-маоний”, “Чордевон” кабилар). Асарнинг асл номини тиклаш учун матншунос ўзи тадқиқ этаётган қўлёзма асарнинг нусхаларини қиёсан ўрганиб, саралаш йўли билан улар орасидан матни айнан такрорланаётганларини ажратиб олади. Уларнинг аҳамиятга эга ўхшаш жиҳатларини, яъни текстологик белгилари ўртасидаги мутаносибликни тиклайди. Номи бир хил бўлган матнлар ўртасида фарқ бор ёки йўқлигини кузатади. Текстологик белгилар барча тавсифий аломатлар, таҳрир изларини ўз ичига олади.

14. Матнни тиклаш (реконструкция) усули. Матншунос асосий матнни тузишида қўлёма асар нусхаларида учрайдиган фарқлар, тушириб қолдириш ёки қўшиб ёзиш каби ҳолатларга дуч келади. Уларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш ва аниқ тўхтамга келгандан сўнг асосий матнга тузатиш киритиш матншуносдан катта меҳнатни талаб қиласи. Бу жараёнда юқорида тилга олинган айрим усуллардаги каби қадимиюроқ нусхаларга таяниш иш бермайди. Матншунос бирламчи матн билан ўзи тузатаётган асосий матн орасида қўчирилган нусхалардаги матн бўлагини чиройли ва яхши ўқилаётгани нуқтаи назаридан эмас, мантиқ жиҳатидан боғланиши ва муаллифнинг ғоявий-бадиий савия ва даражасига мутаносиблиги жиҳатидан келиб чиқиб таҳлил қилиши лозим.

15. Матнни саналашитириш усули. Матннинг санаси бўлмаган тақдирда матншунос нусхалардаги тафовутлар, бирламчи матн варианти ҳақида хulosса

чиқаришга қийналади. Қўлёзма асарни ёки унинг нусхасини саналаштириш нусханинг тавсифий белгилари, қоғози ёки ҳошиялардаги қайдлар воситасида тахминан белгиланиши мумкин. Сананинг белгиланиши нусхалар таҳрири ва бошқа хронологик воқеаларнинг матн қўчирилиши билан боғлиқ жараёнларга таъсирини аниқлаш учун муҳимдир.

16. Матннинг яратилиши жойини аниқлаш усули. Матн муаллифи аниқ бўлмаган ҳолатларда матннинг яратилиш жойига қараб муайян хуросаларга келиш мумкин. Бунда матн воқеалари баёни, ҳошиялар ва очик саҳифалардаги қайдлар, муҳрлар каби матн тарихини очишга имкон берадиган барча имкониятлар ўрганилади. Матндаги шевага хос фонетик, морфологик ва лексик шакллар, муайян маконга хос маросим ва урф-одат, анъаналар матннинг яратилиш жойини аниқлашда яхши кўрсаткич бўла олади.

17. Атрибуция ва атетеза. Атрибуция деганда матн муаллифини аниқлаш тушунилади. Атетеза эса, муайян асарнинг муаллифи нотўғри кўрсатилган тақдирда уни ноўрин муаллифликдан ҳимоя қилишга айтилади. Атрибуция ҳолатида матншунос матннинг, масалан, ғазалиёт бўладиган бўлса, мақтаъдаги тахаллус воситасида, матн классификацияси, саналарни белгилаш, текстологик белгилар, матннинг яратилиш жойини аниқлаш каби бир қанча текстологик тадқиқ усулларидан фойдаланиб, муаллиф номи ва таржимаи ҳолини тиклаши мумкин. Атетеза ҳолатида эса, баҳс қилинаётган муаллифнинг барча асарлари қиёсан ўрганилиб, ҳудудий ва даврий, гоявий, услугубий, текстологик жиҳатдан комплекс тадқиқ амалга оширилади ва хулоса чиқарилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқ усуллари матншуносликнинг қўлёзмалар билан боғлиқ фаолият соҳасида қўлланади. Замонавий адабиётлар, адабий архив материаллари, даврий матбуот тадқиқи билан шуғулланадиган матншунослик тадқиқ усуллари улардан фарқ қиласди.

Текстологик принциплар тузилажак матн шаклларига боғлиқ равища кўлланади. Матншунос барча нусхаларни кузатувга олиш, нусхаларни

сарапаш, асарнинг қадими, ишончли нусхасини таянч нусха сифатида олиш, асар мазмуни, ғояси, матн тарихини чуқур ўрганиш ва аниқ хуносага келиш, жалб этилган нусхалар матнини танқидий ўрганиш, матний ўзгаришларни илмий аппаратда қайд этиш, матн шаклини ёдгорлик ёзилган графикада нашр қилиш пртинциплари асосида иш кўради.

3. Шулар билан бирга муайян шаклда татбиқ этилиши мумкин бўлган умумий принциплар ҳам бор. Бундай принциплар матний тафовутларни жадвалларда кўрсатиш, матн структурасини сақлаш, нашр ёрдамчи илмий аппаратини қўллаш, жалб этилган нусхаларни сарапаш, уларни таянч, ёрдамчи ва назорат нусхаларига ажратиш, қўлёзма нусхада ёрдамчи нусхаларни шартли белгилар билан номлаш, оригинал ёзувни сақлаш, транслитерация каби бир қанча принциплардан иборат.

III БЎЛИМ. МАТН ТУЗИШ

10. Матн шакллари ва уларни тузиш принциплари

Матншунослик принциплари ҳақида сўз кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, улар ҳалигача таснифланмаган. Матншуносликнинг тадқиқ усуллари ва принциплари ўртасидаги фарқлар назарий жиҳатдан кўриб чиқилмаган. Биз бу ҳолни ўзбек матншунослик ишларида ҳам кузатдик. Масалан, П. Шамсиев принцип деганда тадқиқ усулларини кўзда тутади⁷⁹, Эшонхўжаев эса принципга тамойил сифатида қарайди⁸⁰. Д. Лихачев матншуносликнинг тадқиқ усуллари ҳақида гапирав экан, уларни “матн тузишнинг методик принциплари...” деб атайди.

Ўзбек матншунослиги тарихини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек матншунослигининг янги даврида (1920 йиллардан кейинги давр назарда тутилмоқда – **муаллифлар**) юзага келган кўплаб нашрларда матншуносликнинг бир қанча принциплари акс этган. Улар тузилаётган матн шаклларига қараб фарқланадилар. Маълумки, матншуносликда матн тузишнинг бир неча шакллари қабул қилинган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1.Илмий-танқидий матн шакли.
- 2.Йиғма-қиёсий матн шакли.
- 3.Илмий-оммавий матн шакли.

Ilmiy-tanqidiy matn

Бадиий асарнинг **илмий-танқидий матнини** тузиш манбанинг нусхалари кўп бўлганда амалга оширилади. Илмий-танқидий матн, бу – матн тарихини илмий ўрганиш асосида муаллиф матнига яқин вариантини тузишидир. Илмий-танқидий матн тузишнинг барча тадқиқотчилар учун

⁷⁹ Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – Б.19–21.

⁸⁰ Эшонхўжаев Ш. “Лисон ут-тайр”нинг илмий-танқидий матни ҳақида. Алишер Навоий Лисон ут-тайр. – Т.: Фан, 1965. – Б.20–21.

қоидага айланган асосий принциплари мавжуд. Масалан, матн тузувчи асарнинг фанга маълум барча нусхаларини кўриб чиқиши шарт. Баъзи асарларнинг қўлёзма нусхалари орасидаги фарқлар кўп бўлиши мумкин. Бундай ҳолда илмий-танқидий матнни тузувчи матншунос **барча нусхаларни кузатишга** мажбур бўлади. Кўп нусхаларга эга манбанинг илмий-танқидий матнини тузища **нусхаларни саралаш** муҳим ҳисобланади. Кўп нусхаларга эга манба матни устида ишлаш, айниқса, унинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш бутун “инжиқлик”лари билан ўта нозик ва масъулиятли, тўхтовсиз аниқлик ва интизом талаб этувчи “заҳмат”лари билан машаққатли, аммо самарали меҳнатдир⁸¹. Илмий-танқидий матн тузища муаллиф нусхаси(автограф) бўлмаган тақдирда **асарнинг қадими, ишончли нусхаси таянч нусха сифатида олиниб**, бошқа нусхалардан ёрдамчи манба сифатида фойдаланилади. Жумладан, адабиётшунос Р. Зоҳид Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул–ожизин” асари илмий-танқидий матнини тузища 150дан ортиқ нусханинг умумий ва фарқли жиҳатларини матншунослик нуқтаи назаридан изчил текширган ва 25 (15 қўлёзма, 10 тошбосма) нусхани қиёсий таҳлил обьекти сифатида олган. Шуниси аҳамиятлики, Р. Зоҳид саралангандан 25 нусхани ҳам муайян принципиал хусусиятларига кўра уч гуруҳга: таянч нусха, асос нусха, ёрдамчи нусхаларга ажратган.

Муаллиф дастхати ёки унинг даврида яратилган матн мавжуд бўлса, илмий-танқидий матннинг илмий қиммати юксак бўлади. П. Шамсиев жаҳон қўлёзма фонdlарида Навоий асарлари қадими қўлёзмаларининг топилиши шоир асарлари илмий-танқидий матнларини яратиш учун катта имконият яратганлигини қайд этган⁸². Хусусан, П. Шамсиев Қозон давлат университети қўлёзмалар фондида сақланаётган “Хамса”нинг XVI асрда кўчирилган деб тахмин қилинган нусхасининг аниқланиши ҳақида шундай ёзади: “Хамса”нинг ана шундай қадими нусхасининг топилиши навоийшуносликда муҳим ҳодисадир. Чунки у улуғ шоир асарининг ягона

⁸¹ Қаранг: Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. Нашрга тайёр. Р. Зоҳид. – Т.: Санъат журнали, 2007. – Б. 6.

⁸² Қаранг: Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – Б.9.

илмий-танқидий матнини тузиш ишини янада такомиллаштириш йўлида зарур манба хизматини ўтайди, матн тузишдаги кўпгина масалаларни, чигалликларни ҳал этишга йўл очади”⁸³.

Илмий-танқидий матнни тузишида матншуноснинг асар мазмуни, гояси, матн тарихини чўқур билиши ва аниқ ҳолосага келиши мұхимдир. Бундай матнни тузишида барча жалб этилган нусхалар матни танқидий ўрганилади.

Матншунос ишга жалб этилган нусхаларни қиёсий ўрганиб, таянч нусхага солиширган ҳолда барча матний ўзгаришларни илмий аппаратда қайд этиб боради. Тузилган илмий-танқидий матн шакли ёдгорлик ёзилган графикада нашр қилиниши бундай шаклдаги матн тузишнинг асосий принципларидандир.

Ilmiy-ommaviy matn

Илмий-оммавий матн ягона, янги топилган асарни эълон қилиш учун ёки илмий-танқидий, шунингдек, йифма-қиёсий матн асосида матннинг соддалаштирилган вариантини тузиш учун тайёрланади. Кенг ўқувчилар аудиториясига мўлжалланган кўптомли академик нашрлар учун ҳам илмий-оммавий матнлар тайёрланади. Масалан, “Хамса” достонларининг оммавий нашрлари 1939 йилдан бошлаб тайёрлаб келинмоқда. Жумладан, 1939-1940 йиллар мобайнида “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Садди Искандарий” достонлари айрим-айрим босилиб чиқди. Булардан биринчи достон шарҳ, изоҳ ва луғатлар билан, қолганлари эса достон шеърларининг насрин баёни билан китобхонга тақдим этилди. “Хамса”даги достонлар 1948 йили(“Ҳайрат ул-аброр”дан бошқаси) Навоий “Танланган асарлари” сериясида иккинчи марта нашр этилди. Достонларнинг бу нашрига насрин шарҳ берилмаган, лекин ҳар бирининг охирига изоҳ ва луғат илова қилинган. 1957 йилдан бошлаб достонларнинг насрин ифодали нашрлари қайта босилди. Бу нашрларнинг ҳаммаси оммавий нашрлар

⁸³ Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – Б.11.

бўлгани учун достонлар сюжетига бевосита алоқаси бўлмаган боблар кисқартирилган эди. С. Айний тайёрлаган мухтасар “Хамса” 1940-1947 йиллари икки бор нашр этилди. Ушбу нашрлардан мақсад кенг оммани тезроқ Навоий ижоди билан танишириш эди. Ҳақиқатан ҳам, “Хамса”ни кенг китобхонларга етказиш омма ўртасида миллий-маънавий қадриятларимиз билан таниширишда муҳим ўрин тутарди. Шунинг учун матншуносларимиз олдида матн турларининг хилма-хил шаклларидан фойдаланиш масаласи қўндаланг бўлди. Шундай матн шаклларидан бири матннинг насрый баён шаклини тузиш эди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар самарали бўлди. Ғафур Ғулом томонидан тайёрланган “Фарҳод ва Ширин”нинг илмий-оммавий нашрида асар асл матни ва насрый баёни ёнмаён берилди. Масалан:

*Ки чун шаҳзодага жаври ҳаводис,
Мунингдек мушқул амре қилди ҳодис.
Анингдек борди орому қарори,
Ки чиқти ўз қўлидин ихтиёри.*

Матн насрый баёни қуйидагича: *Вақтики шаҳзодага ҳодисаларнинг жаври шундай қийин бир ҳолни юз келтирди, унинг чидам ва тўзуми шунчалик йўқолдики, қўлидан ихтиёри ҳам кетди*⁸⁴.

Бундан ташқари, Амин Умарий ва Ҳусайнзода “Лайли ва Мажнун” достони насрый баёнини худди шундай усулда амалга оширидилар. Бу китобда ҳам бир томонда достоннинг асли, иккинчи томонда унинг насрый баёни бериб борилди⁸⁵. А. Қаюмов ҳам Алишер Навоий асарлари насрый баёнини тайёрлашда шу мавжуд принциплардан келиб чиқиб иш тутган. Кейинчалик Алишер Навоий асарларининг насрый баёнлари тайёрланиб, бирин-кетин нашр этилди. Улуғ шоир ва мутафаккир асарларини бундай усулда нашрга тайёрлаш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган атоқли навоийшунос олим А. Қаюмовнинг хизматлари катта бўлди.

⁸⁴ Қаранг: Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Т. : Давлат нашриёти, 1956. – Б. 178–179.

⁸⁵ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Нашрга тайёрловчилар: Амин Умарий ва Ҳусайнзода. – Т.: Фан, 1941.

Ўзбек матншунослиги қўлга киритган тажрибалар кенг илмий жамоатчилик томонидан маъқулланди. Адабиётшунос Б. Валихўжаев классик адабиёт асарларининг насрый баёнини асл шеърий матндан алоҳида тарзда эмас, балки китоб бетининг бир томонида асл – шеърий нусха ва иккинчи бетида унинг насрый шарҳ ёки баёнини келтириш тажрибасини маъқуллади ва бу анъанани изчил давом эттиришни тавсия қилди⁸⁶.

Ўтган асрнинг 60–80-йиллари “Хамса” достонлари бир неча марта алоҳида ва тўлиқ ҳолларда оммавий нашрга тайёрланди. “Хамса”нинг 500 йиллиги муносабати билан чоп этилган оммавий матн вариантига филология фанлари доктори Порсо Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матнлар ҳамда изоҳлар асос қилиб олинди. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан чоп этилган 20 жилдлик асарлар тўпламидаги матнлар шу давргача тузилган барча илмий-танқидий ва илмий-оммавий матнлар асосида яратилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ва X. Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институти олимлари томонидан амалга оширилган бу нашрдан мақсад буюк шоирнинг шеърий, насрый ва илмий меросини тўлалиги билан китобхонлар оммасига етказиб бериш эди. Илмий-оммавий матн принципларининг бошқа матн шакллари принципларидан асосий фарқи, биринчидан, ҳозирги ўзбек ёзувига транслитерация қилиниши бўлса, иккинчидан, кенг ўқувчилар аудиторияси талабларини назарда тутишидир. Масалан, “Мажолис ун-нафоис” илмий-танқидий матни Алишер Навоий асарлари 15 жилдлиги ўн иккинчи жилди, Алишер Навоий тўла асарлари 20 жилдлиги ўн учинчи жилди нашри учун асос қилиб олинди.

“Мажолис ун-нафоис” асари матнiga берилган шарҳлар мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан турли хил бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

— матнда учрайдиган араб, форс тилларидағи тушунилиши қийин сўз ва иборалар таржимаси;

⁸⁶Қаранг: Валихўжаев Б. Ўзбек классик адабиёти тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988 йил, – № 4. – Б.22.

- мураккаб ташбехли ва рамзли байтлар шарҳи;
- матнда тилга олинган асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар;
- шеърий санъатларга доир изоҳлар;
- тарихий ва афсонавий шахслар тавсифи;
- муаммоли ёки илмий–тадқиқотларга туртки бўладиган шарҳлар.

Келтирилган нисбий таснифдан маълум бўладики, С.Фаниева матн шарҳини беришда адабиётшунослик, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, тарих, тилшунослик фанларига мурожаат этади. С.Фаниева ёзган матн шарҳларининг аҳамиятли томони яна шундаки, олима матн билан боғлиқ деярли ҳар бир нуқтага эътибор қаратган, матн шарҳини беришда чуқур илмий изланиш олиб борган. Аслида С.Фаниеванинг барча асар шарҳларидаги – илмий, бадиий ва тарихий маълумотларни бир жойга жамланса, каттагина бир асар вужудга келади.

Алишер Навоий асарларида араб, форс сўзларидан кенг фойдаланган. “Мажолис ун-нафоис”да шоирлар ижодидан келтирилган намуналар асосан форс тилида берилган. “Мажолис ун-нафоис”да Навоий шерозлик Мавлоно Толиб Жожармий деган шоирнинг қабр тошига битилган рубоийсини ўқиб ёдда қолдирганини ёзади. Навоий Жожармий ижодидан намуна сифатида ўша рубоийни келтиради:

*Дар қўчаи ошиқи ба паймон дуруст,
Мегуфт ба ман аҳли диле рўзи нахуст,
Толиб маталаб кассе, ки ў гайри ту жуст,
Ту толиби ў бош, ки ў толиби туст⁸⁷.*

Китобхонга матн тўлиқ тушунарли бўлиши учун таржималар ҳам келтирилган. С.Фаниева ушбу рубоийнинг таржимасини шундай беради: “Ошиқлик кўчасида аҳди паймони мустаҳкам бўлган бир аҳли дил(яъни дилбар, дилдор) менга айтган эди: Сендан бошқани қидирган кишини

⁸⁷ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, 13-жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б.24.

*талағорликка унда ма, сен шундай кишига талағор бүлгінкі, у ҳам сенга талағор бўлсин*⁸⁸.

С.Ғаниева рубоий маъносини қисқа, аниқ тарзда ўқувчига етказишга ҳаракат қилган. Ушбу рубоий таржимасини ўзига хос шарҳ дейиш мумкин. Эътибор берсак, рубоийнинг аслида “толиб” сўзи уч маротаба қўлланган, таржимада шу тушунча маъносини берувчи “талағор” сўзи шунча келтирилган.

“Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида Навоий Мавлоно Осафий ҳақида шундай ёзади: “Мавлоно Осафий – отаси подшоҳи замоннинг вазорат девонида муҳр босибдур ва ўзининг табъи таъриф қилғучча бор ва ҳофизаси ҳам бағоят хубдур. Аммо не табъин ишга буюур, не ҳофизасин. Ятимвашлик ва раъносифатлиқ ва худройлик ва худройлик била авқотин зоеъ қилур. Бу навъ ғариб сифоти кўпдурки, агар деса сўз узолур. Мутлоқо пандпазир эмас. Бу жихатдин бағоят паришондур. Яхши абёти бор”⁸⁹.

С.Ғаниева Мавлоно Осафий, яъни Хожа Шамсиддин Ҳиравий шахси ҳақида бир қанча қизиқарли ва керакли маълумотларни келтиради. Олимаввал шоир туғилган, вафот этган йил ҳамда ўрнини кўрсатади. Кейин Осафийнинг девон тартиб бергани, унинг девони 1968 йили Техронда Ҳоди Арфаъ Кирмоний томонидан сўзбоши билан нашр эттирилганини ёзади. Шарҳда Навоий ўзининг “Соқийнома”сида Осафийни яқин дўстлари, ҳаммаслаклари қаторида ҳамда заковатли шоир сифатида тилга олиши қайд этилган. Шу билан бирга Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” ва Восифийнинг “Бадоев ул-вақоев” асарида Осафий ҳақидаги маълумотлар борлиги кўрсатилган. С.Ғаниева мутаржим Фахрий Ҳиротий келтирган Осафийнинг бир байти таржимасини ҳам шарҳда беради. Шарҳда Осафийнинг Навоий вафотига ёзган марсиясидан бир байт ва туширган таърихи келтирилган⁹⁰. С.Ғаниева шарҳда тазкирада Навоийнинг бу шоир ҳақидаги маълумотларини умуман такрорламайди. С.Ғаниеванинг Осафий

⁸⁸ Ўша асар. – Б.227.

⁸⁹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, 13-жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б.73.

⁹⁰ Қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 13-жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б.244-245.

ҳақидаги маълумотлари тугал ва батафсиллиги билан муҳим илмий қимматга эгадир.

“Мажолис ун-нафоис”да Алишер Навоий бевосита бирор муносабат билан тилга олиб, лекин бундай шахслар ҳақида тўла тўхталишни лозим топмаган ўринлар ҳам бор. С.Ғаниева матн изоҳ ва таржималарини тайёрлашда шундай ўринларга аҳамият қаратган. Масалан, “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида Имом Али Мусо ар-Ризо, Мехри, Анварий, Хожа Салмон, Шайх Камол, Мавлоно Саъдиддин Кошғарий кабиларнинг исмлари қайд этилган. Иккинчи мажлисда Абу Ҳанифа, Ибн Ҳожиб, Сайид Шариф, Шайх Зайниддин, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Имом Фахр, Амир Суҳайлий, Ҳазрат Шайх, Шайх Фаридиддин Аттор, Шайх Баҳоваддин Умар, Хожа Абу Наср Порсо, Ҳазрат Шайх Абусаид Абдулхайр, Кичик мирзо, Мавлоно Жаъфар, Ҳазрат Аҳмад Жомий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Ҳожибек кабилар тилга олинган. Лекин бу каби шахсларга тазкирада маҳсус фикра ажратилмаган. С. Ғаниева уларнинг шахсий ҳаёти, ижоди ва ўз даврида тутган ўрни борасида маълумотлар келтиради. Матншунос томонидан берилган бундай аниқ ва қисқа шарҳлар “Мажолис ун-нафоис” нашрини бойитади. Умуман, “Мажолис ун-нафоис” нашри матни учун шарҳ ва таржималарнинг умумий сони 706тага (муқаддима – 16 шарҳ, I мажлис – 119, II мажлис – 141, III мажлис – 194, IV мажлис – 106, V мажлис – 28, VI мажлис – 49, VII мажлис – 40, VIII мажлис – 13 шарҳ) етган.

Илмий-оммавий матнни тайёрлашда матншунос ўқувчиларнинг қайси тоифасига мўлжалланаётганлигига қараб қўлёзма асар матнини қисқартириши, соддалаштириши, шеърий йўл билан ёзилган асар бўлса, насрый баён ёки изоҳлардан фойдаланиши мумкин. “Хамса” достонлари, “Махбуб ул-кулуб”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Вақфия” каби асарлар матнларининг насрлаштирилган вариантлари шундай принципларга асосида яратилган.

Ягона нусхадаги асарларнинг илмий-оммавий матнига мисол қилиб Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мухтасар” асари матнини кўрсатиш

мумкин. Унинг ягона, Париж Миллий кутубхонасида 1308-рақами остида сақланаётган нусхасининг микрофилми 1968 йили профессор Ҳамид Сулаймон томонидан Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондига олиб келинган эди. Адабиётшунос олим Сайдбек Ҳасанов ушбу асарни нашрга тайёрлаб, 1971 йили замонавий ўзбек ёзувига транслитерация қилиб, чоп этди. Унда “Мухтасар” қўлёзмасини кўчиришда хаттот томонидан йўл қўйилган камчиликлар, жумладан, сўзларнинг тушириб қолдирилиши, бир сўз ўрнига бошқа сўз ёзиш, айрим жумлаларни такрорлаб ёзиш, ҳарфлар ўрнини алмаштириш каби ҳолатлар аниқланиб, муайян даражада тикланган. Хаттот томонидан тушириб қолдирилган сўз ёки жумлалар катта қавс ичига олинган. Масалан: қўлёзманинг 1^а-бетида 2 сатр юқоридан “сабаби сақийл” сўзлари тушиб қолган, бу сўзлар [сабаби сақийл] шаклида тикланган. Хаттот янглишиб такрорлаб кўчирган матнлар кичик қавс ичига олиниб, китоб иловасида унга изоҳ берилган. (Масалан, қаранг: 6^б -бет 1^б -рақамдан иборат.) Катта ҳажмда такрорланмаган жумла ва сўзлар қавс ичига олинмаган ва транслитерацияда ифода қилинмай, тўғридан-тўғри изоҳ бериб кетилган. Транслитерацияда баҳр ва турли вазнларга келтирилган мисоллар текшириб борилган ва хаттот томонидан йўл қўйилган камчиликлар тузатилиб, изоҳ берилган. Баъзи ўқилиши қийин бўлган сўзлар транслитерацияда берилмай, /?/ белгиси билан кўрсатилган. Тахминий ўқилган сўзлар транслитерацияда ифодаланиб, сўроқ белгиси билан қавс ичига олинган. Рисоланинг тўлиқ транслитерацияси билан бирга факсимиил нашри ҳам берилган. Китобда исмлар, асарлар, географик ва этник жойлар кўрсаткичлари алфавит тартибида ҳозирги ўзбек графикасида, терминлар кўрсаткичи эса, ҳозирги ўзбек ва араб графикасида келтирилган. Исмлар тўғрисидаги рақамлар китобнинг кўрсатилган бетида шу исм ҳақида маълумотлар борлигини англатади. Баъзи исмлардаги бети(а, б) кўрсатилмаган рақамлар сўзбошида қўйилган рақамларни билдиради. Асарлар номи кўрсаткичидаги муаллифлар номи қавс ичига олинган.

Илмий-оммавий матн ягона, янги топилган асарни эълон қилиш, илмий-танқидий ёки йиғма-қиёсий матн асосида матннинг соддалаштирилган вариантини тузиш учун тайёрланиб, бош принципи кенг ўқувчилар аудиторияси талабларини назарда тутишдир. Илмий-оммавий матнларда қўлланадиган текстологик тамойилларга шарҳ, изоҳ ва луғатлар илова қилиш, насрий баёни билан бирга чоп этиш, ўзбек ёзувига транслитерация қилиш, матн тўлиқ тушунарли бўлиши учун таржималарни ҳам келтириш,

зарурат туғилганда қўлёзма асар матнини қисқартириш, соддалаштириш, шеърий йўл билан ёзилган асар бўлса, насрий баён ёки изоҳлардан фойдаланиш кабилар киради.

Йиғма-қиёсий матн – бу имконият даражасида қўлга киритилган матнларни ўзаро қиёслаш натижасида тузилган муаллиф матнининг нисбатан тўлиқ вариантидир.

Йиғма-қиёсий матн асар нусхалари кам ёки ишончли қадимий қўлёзма нусхалар мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади. Бундай матн муаллиф асари ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотиш учун тузилади. Йиғма-қиёсий матнни тузишида **мавжуд қўлёзмалардан таянч нусха танлаши** катта аҳамиятга эга. Таянч нусха сифатида имкон қадар тўлиқ, бошқаларига қараганда ташқи нуқсонлари кам, хатолари, ноаниқ жойлари оз нусха танланади. Шунинг учун ҳам М. Н. Османов “Шоҳнома”нинг 1966 йилги нашрини танқидий матн эмас, балки йиғма матн деб ҳисоблайди. У ўз фикрини илмий-танқидий матнни тузишида қўлёзмалар базасининг камлиги, матн турли таҳрирлар аралашувидан тузилганлиги, асарнинг композицион қурилиши тўлиқ ифодаланмаслиги, яъни баъзи достонларнинг қўшилиши ёки ажратилиши каби асосли камчиликларни кўрсатиш билан тасдиқлайди⁹¹.

Асосий матнни тузишида йиғма-қиёсий ёндашув билан илмий-танқидий ёндашув фарқланади. Лекин баъзан уларни таснифлашда чалкашиш ҳоллари учрайди. Жумладан, Қ. Эргашев Навоий асарлари илмий-танқидий матнлари яратилиши хусусида сўз юритар экан, “Маҳбуб ул-қулуб”нинг А. Н. Кононов томонидан тайёрланган нашрини асар илмий-танқидий матни деб ҳисоблайди⁹². 1948 йили А.Н.Кононов “Маҳбуб ул-қулуб” асари матнини Ленинград ҳамда Тошкент қўлёзмалар фондида сакланаётган саккизта қўлёзма нусха асосида тиклаган⁹³. Уларнинг энг қадимииси XVI аср

⁹¹ М.-Н.Османов. Фирдоуси. Шах-наме. Т.1. Научно-критический текст. Разночтения, примечания и приложения. – М.: Наука, 1991. – С.5-17.

⁹² Қаранг: Матншунослик давр талаблари даражасидами? Давра сухбати // ЎзАС. – 2010, 2 июл.

⁹³ Наваи. Возлюбленный сердце. Сводный текст подготовил А. Н. Кононов. – М.–Л., 1948.

бошларида китобат қилинган Ленинград нусхаси бўлиб, йиғма-қиёсий матн шу қўлёзма асосида тузилган, орадаги ***фарқлар илмий аппаратда кўрсатиб борилган***. А.Н.Кононов айнан ўзи амал қилган матн тузишдаги тадқиқот усуллари ва принципи хусусида ҳеч қандай маълумот бермайди. П.Шамсиев асар нусхалари қиёсий ўрганилганлигидан бўлса керак, “Маҳбуб ул-кулуб”нинг бу матнини “чоғиштирма матн” дейди⁹⁴. Йиғма-қиёсий матн асарнинг асосий матни ҳисобланади, лекин илмий-танқидий матн тузиш талабларига жавоб бермайди. Матншунос йиғма-қиёсий матнни тайёрлашда ***ўзи қўлга киритган ёки имкониятида бўлган манбалардан фойдаланаади.*** Йиғма-қиёсий матн тузишнинг муҳим принципи асарнинг ***дастлабки тўлиқ матнини тиклашидир.*** Йиғма-қиёсий матнлар асар илмий-танқидий матнини тайёрлаш учун илмий замин яратади. А.Н.Кононов “Маҳбуб ул-кулуб” асарининг барча нусхаларини излаб топишни мақсад қилиб қўймаган ва ўзига маълум нусхалар билан кифояланган. Шунинг учун ҳам у ўзи тузган матнни “йиғма (сводный) матн”деб атаган. Ўша пайтлари Навоий юбилейи муносабати билан шоир ижодини оммалаштиришга бўлган шошилинч ҳаракат А.Н.Кононовга илмий-танқидий матн яратиш учун фурсат бермаган бўлиши мумкин.

Ўзбек матншунослигида йиғма-қиёсий матн тузишнинг ўзига хос принциплари Н.Раҳмон томонидан тайёрланган “Олтин ёруғ” матнида кўринади⁹⁵. Мазкур асар қўлёзмаси қадимги уйғур-турк тилида ёзилган бўлиб, 1910 йили рус олим С.Малов томонидан топилган ва биринчи марта В. Радлов билан ҳамкорликда эски уйғур-турк алифбосида нашр этилган эди. Турк олим Чевал Қоя томонидан ушбу асар ўрганилиб, 1994 йили Туркияда чоп этилди. У гарчи Радлов-Малов нашри асосида Берлин Фанлар академияси ва Майиз фондида сақланаётган 20га яқин нусха парчаларини ўзаро қиёслаб, асарнинг мукаммал матнини амалга оширган бўлса-да, асар

⁹⁴ Шамсиев П. Ўзбек матншунослигида оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – Б.23.

⁹⁵ Қаранг: Олтин ёруғ. 1-китоб. Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркий тилдан ўзбекчага табдил муваллифи Н.Раҳмон. – Т.: Фан, 2009.

тилининг мураккаблигидан уни турк тилига табдил қилмаган⁹⁶. Асар 1986 йили Хитойда уйғур тилига табдил этилган, аммо Н.Раҳмоннинг ёзишича, табдил анча эркин бўлиб, асл матндан узоқлашган. Ўзбек олимни асарнинг Хитойда уйғур тилига қилинган табдили ва Чевал Қоя нашрини Радлов-Малов матни билан ўзаро қиёслаб, асарнинг йиғма-қиёсий матнини тузиб чиқди ва қадимий турк тилидан лотин ёзувига табдил қилди. Матншунос олим матн учун таянч сифатида Радлов-Малов матнини танлаб, Хитой ва Туркияда чоп этилган матнлардаги тафовутларни матн ичида қавсда бериб бориши принципини қўллаган. Н. Раҳмон матнининг яна бир хусусияти, ҳар бир матн бўлаги ўзбек тилига таржима қилиниб табдил билан ёнма-ён келтирилган. Олим қўллаган принципларни яна шуларда кўриш мумкин:

1. “Олтун ёруғ”нинг асл нусхасидаги сатрлар тартибини кўрсатиш мақсадида ҳар бир сатрдаги рақамлар тартиби сақланган.
2. Ҳозирги ўзбек тилидаги табдил қадимий туркчадаги ҳар бир варакдан сўнг берилган. Туркия ёки уйғур нашрларида изоҳ берилмаган ўринларда қавс ичида сўзлар, қўшимчалар киритилган.
3. Транскрипция белгиларини ифодалашда ўзгаришлар киритган(нг ўрнига ng, ш ўрнига sh, ф ўрнига gh, тил орқа I ўрнига i, тил олди i ўрнига ii).
4. Изоҳлар тартибини асл нусханинг тартиб рақамидан ажратиш учун тўқ курсив билан бериб, остига чизиқча қўйган.

Йиғма-қиёсий матнни тузища мавжуд қўллётзмалардан таянч нусха танлаш, фарқларни илмий аппаратда кўрсатиб бориши, ўзи қўлга киритган ёки имкониятида бўлган манбалардан фойдаланиш асосий принциплардир.

Йиғма-қиёсий матн тузиш принципларига қуидагилар киради:

- қўллётзмалар ва жалб этилган нусхаларнинг тавсифини келтириш;
- барча қўллётзма нусхаларни шартли белги билан белгилаш;
- аслият (оригинал) ёзувини ва матн структурасини сақлаш;

⁹⁶ Ўша асар. – Б. 12.

- асарнинг бошқа нусхалари мавжуд бўлмаган тақдирда тўлиқ нусхани таянч матн сифатида қабул қилиш;
- илмий аппаратни қўллаш;
- асосий матнда ёрдамчи нусхаларни шартли белгилар билан номлаш;
- матний тафовутларни жадвалларда кўрсатиш;
- барча жалб этилган нусхалардаги матнларни умумлаштириш;
- матн варақларини рақамлаб, биринчи бетини “а”, иккинчи бетини “б” ҳарфлари билан белгилаш.

Факсимил нашр

Муаллифнинг ягона дастхат қўлёзмаси бўлган тақдирда, унинг факсимил нашри кўплаб янги тадқиқотлар учун бебаҳо манбага айланиши мумкин. Хусусан, С. Фаниева томонидан тайёрланган Алишер Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девони факсимилиси шундай манбалардан биридир⁹⁷.

Факсимил нашр қўлёзма ёзуви, имлоси, безаклари, структураси каби асар матни тарихини ойдинлаштирувчи жихатларни аниқлаш ишларини осонлаштиради. Факсимил нашр, одатда, қўлёзма устидаги тадқиқотларни давом эттиришда қўлёзма нусха ўрнини босадиган китоб яратиш учун чоп этилади⁹⁸. 1968 йили Ҳ.Сулаймонов Алишер Навоий “Илк девон”ининг 870/1465–1466 йили машхур хаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзмасининг факсимилини нашр эттирди. “Илк девон”нинг факсимилида қўлёзманинг хати йирик настаълиқ услубида, Хуросоннинг олий навли ипак қоғозига қора сиёҳда ёзилганлиги аниқ қўриниб туради. Хаттотнинг хати асар матнини аниқ ифодалаган, деярли барча ҳарфларни ўқиса бўлади. “Наводир ун-ниҳоя” фотокопиясида эса, бироз хиракиқ бўлиб, қўлёзмани ўқишда қийинчилик келиб чиқади. Бу хусусда С. Фаниева

⁹⁷ Навоий дастхати. Наводир ун-ниҳоя. Нашрга тайёр., сўзбоши муаллифи С.Фаниева. – Т.: Фан, 1991.

⁹⁸ Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2000. – Б.155.

куйидаги муроҳазани билдиради: “Хатнинг ёзилиш услуби ҳақида айтиш керакки, у профессионал котиб хатига ўхшамайди. Масалан, “алиф”, “коф”, “лом” ҳарфлари ўнг томонга мойил қилиб ёзилган. Мисраларнинг нотекислиги эса хатнинг мистарсиз ёзилганидан белги беради. Лекин, шубҳасиз, хат китобат санъатидан пухта хабардор одамнинг қўли билан ёзилган. Ҳарфларнинг муайян мутаносиблигининг сақланиши, ҳар бир ҳарфнинг аниқ ифодаланиши, хусусан, ҳарфларнинг нуқталари алоҳида-алоҳида қўйилиши фикримиз далили бўла олади. Айни чоғда, ҳарфларнинг уст ва остки нуқталарининг аниқ ва дона-дона қўйилиш ҳолини қадимги ўзбек тилидан хабардор бўлмаган форсийзабон котибларга енгиллик туғдириш мақсадида қилинганлигидан далолат берувчи омил деб қараш мумкин”⁹⁹.

Бугунги кунда янги топилган асарларни ёки янги маълум бўлган ўтмиш ижодкорларнинг биринчи марта эълон қилинаётган девонларини нашрга тайёрлашда “Мухтасар” матнида қўлланган принциплардан фойдаланиш энг маъқул йўлдир.

⁹⁹ Навоий дастхати. Наводир ун-ниҳоя. Нашрга тайёр., сўзбоши мўаллифи С.Ғаниева. – Т.:Фан, 1991. – Б.8.

11. Бадийй ва илмий асарларнинг матний ўзига хосликлари (девон, тазкира, баёз, тарихий ва илмий асарларга оид манбалар)

12. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг долзарб муаммолари